ЛЕНИН БАЙРОҒИ ОСТИДА — КОММУНИЗМ САРИ!

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН | № 65 (16.451). | 20 март 1976 йил, шанба | Баҳоси 2 тийин.

Съезд маъқуллаган планлар енгил эмас, тиғиз планлардир. Съезд қўйган вазифалар ғоят жиддий вазифалардир. Аммо биз, ўртоқлар, бу планларнинг амалга оширилишига, бу вазифаларнинг ҳал этилишига қаттиқ ишонамиз.

Л. И. БРЕЖНЕВ

Москва

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетига КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Леонид Ильич БРЕЖНЕВга

Биз, КПСС XXV съезди якунларига ва республика партия ташкилотининг вазифаларига бағишланган республика партия ташкилоти активи йиғилишининг иштирокчилари КПСС тарихий XXV съезди қарорларини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг Ҳисобот докладида баён қилинган қондалар ва хулосаларни Ўзбекистоннинг барча коммунистлари, меҳнаткашлари сингари тўла-тўкис маъқуллаб, оғишмай амал қилиш ва ижро этиш учун қабул қиламиз.

Ҳисобот доклади чиндан ҳам ижодий марксизм-ленинизмнинг жуда катта ҳужжатидир, у коммунистик қурилиш, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракати назарияси ва практикасига янги катта ҳисса қўшади. Ҳисобот докладида иқтисодий стратегия, социал тадбирларнинг кенг программаси, жамиятимизни ривожлантиришнинг узоқ муддатга мўлжалланган истиқболининг асосий йўналишлари ҳар тарафлама, равшан ва аниқ белгилаб берилган.

Биз Марказий Комитетга, унинг Сиёсий бюросига, азиз Леонид Ильич, шахсан Сизга Ватанимизни янада мустаҳкамлашга, халқ фаровонлигини тинмай оширишга, жаҳонда тинчлик бўлишига қаратилган кўп қиррали ва самарали фаолият учун самимий миннатдорчилигимизни ва чин кўнгилдан ташаккуримизни изҳор этамиз. Бутун тараққийпарвар инсоният сингари республикамиз коммунистлари, меҳнаткашлари ҳам Сизни матонатли марксчи-ленинчи, атоқли сиёсий ва давлат арбоби, битмас-туганмас куч-ғайратга, одамларни жиплаштириш, уларнинг куч-ғайратини қўйилган вазифаларни бажаришга сафарбар этиш маҳоратига эга бўлган талантли ташкилотчи деб биладилар.

Республика шаҳарлари ва қишлоқларининг меҳнатчилари партия съезди қарорларига амалий иш билан жавоб қайтариб, янги беш йилликнинг зарбдор вахтасида турибдилар, 1976 йил ва умуман бутун беш йиллик учун ўз зиммаларига юксак социалистик мажбуриятлар олдилар. Ўзбекистон партия ташкилоти оммаларнинг съезд туфайли жўш урган меҳнат ғайрати ва сиёсий активларига бошчилик қилишни, меҳнат унумдорлигини, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини кескин равишда ошириш, корхоналарни реконструкция қилиш ва техника билан қайта қуроллантириш жадаллаштириш, капитал қурилишни ва халқ хўжалигининг барча бўғинларида иш сифатини бутун чоралар билан яхшилаш тўғрисидаги съезд йўл-йўриқларини оғишмай амалга оширишни ўзининг бош вазифаси деб билади. Биз қишлоқ хўжалигини механизациялаш, химиялаштириш ва ерларни мелиорациялаш негизида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини юксалтиришни жадаллаштиришни ўз вазифамиз, деб биламиз.

Республика партия ташкилоти активининг йиғилиши КПСС Марказий Комитети, унинг Сиёсий бюросини, Леонид Ильич, шахсан сизни ишонтириб айтадики, Ўзбекистон коммунистлари, меҳнаткашлари жонажон Совет Иттифоқи Коммунистик партияси тегарагида янада мустаҳкам жипслашиб, ўзларининг бутун кучини, билимини, ғайратини КПСС XXV съезди тарихий қарорларини, ўнинчи беш йиллик топшириқларини бажаришга бағишлайдилар, мамлакатимизда коммунизмнинг моддий-техника базасини яратишда янгидан-янги муваффақиятларга эришадилар.

СОВЕТ—БОЛГАР ДЎСТЛИГИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Республикада Совет — Болгар дўстлиги жамиятининг иккита область бўлими — Тошкент ва Андижон бўлими, иккита шаҳар бўлими — Қарши ва Бухоро бўлими ҳамда юздан ортиқ коллектив аъзолари актив иш олиб бормоқда. Ўзбекистондаги ўнлаб саноат корхоналари, колхоз ва совхозлар, қурилиш ташкилотлари Болгариядаги турдош корхоналар билан социалистик мусобақа бошлаш тўғрисида шартнома тузишдилар. Совет — Болгар дўстлиги жамияти Ўзбекистон бўлимининг 18 март куни Тошкентда бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов конференциясида ана шу ҳақда ва шу қардош мамлакат билан дўстона алоқаларни мустаҳкамлаш борасида Ўзбекистонда қилинаётган кўпгина ишлар тўғрисида таҳрирлди.

А. М. Хўжаев бўлим правлениесининг раиси қилиб сайланди. Совет — Болгар дўстлиги жамиятининг IV Бутуниттифоқ ҳисобот-сайлов конференциясига делегатлар ҳам сайланди.

(ЎзТАГ).

ДЎСТОНА ВИЗИТ

ЧКП Марказий Комитетининг аъзоси, Чехословакия Социалистик Республикаси ташқи ишлар министри Б. Хнеупек дўстлик визити билан 18 март куни Москвага келди.

(ТАСС).

ПАХТАКОРЛАР ДАЛАГА ЧИҚИШДИ

ҚАРШИ, 18 март. (ЎзТАГ). Косон районидаги Акмал Икромов номли совхознинг деҳқонлари Ўзбекистонда биринчи бўлиб тамлаб чигит экишга киришдилар. Экиш агрегатлари Ҳилол массивига чиқарилди. Бу ерда механизатор Ўшман Рўзиев бригадасининг пахтазорлари жойлашган.

Тупроққа ўғитлик гербицид моддалар солиш билан бир маҳалда экиб кетилмоқда. Бу нарса ўтоқ қилиш ҳаражатларини камайтиришга ва ҳар гектер ерга ишлов беришда 50 сўмгача маблағни тежаш имконини беради. Совхоз директори М. Пўлатовнинг сўзларига кўра, бу йил пахтазорга ажратилган 1500 гектар ернинг ҳаммасида чигит шу тахлитда экилади. 60 та экиш агрегати ишга тахт қилиб қўйилди.

КПСС XXV СЪЕЗДИНИНГ ЯКУНЛАРИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

РЕСПУБЛИКА ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ АКТИВИНИНГ ЙИҒИЛИШИ

КПСС XXV съезди буюк халқаро аҳамиятга молик воқеа бўлди. Совет кишилари, бутун тараққийпарвар инсоният мамлакатимиз коммунистларининг анжуманни иши таассуроти билан яшаб турибди. КПСС Марказий Комитети номидан ўртоқ Л. И. Брежнев қилган Ҳисобот докладининг муҳим хулосалари ва қондалари миллион-миллион совет кишилари учун программа, бунёдкорлик ишларининг равшан истиқболи, коммунизм ғалабасига бўлган комил ишончнинг тимсоли бўлиб қолди. Шу кунларда Ўзбекистоннинг барча коммунистлари, меҳнаткашлари партия XXV съезди ҳужжатларини ғоят қизиқиб муҳокама қилмоқдалар.

Республика партия ташкилоти активининг 19 март куни Тошкентда бўлиб ўтган йиғилиши съезд якунларини муҳокама қилишга бағишланди.

Йиғилишда қатнашиш учун Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари, Ўзбекистон Компартияси ревизия комиссиясининг аъзолари, шаҳар ва район партия комитетларининг биринчи секретарлари, шаҳар ва район ижроия комитетларининг раислари, министрликлар, идоралардаги ва ташкилотлардаги партия ташкилотларининг секретарлари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети, Ўзбекистон ССР халқ контроли комитети, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг масъул ходимлари, саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг илғорлари таклиф этилди.

Марказий Комитет Бош секретари ўртоқ Леонид Ильич Брежнев бошчилигидаги КПСС ленинчи Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси гулдурос қарсаклар остида йиғилишнинг фахрий президиумига сайланади.

«КПСС XXV съездининг якунлари ва Ўзбекистон партия ташкилотининг вазифалари тўғрисида» йиғилишда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. РАШИДОВ доклад қилди.

Йиғилишда Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. М. МУСАХОНОВ, Самарқанд область партия комитетининг биринчи секретари Б. Р. РАҲИМОВ, Андижон шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Й. А. ХАМИДОВ, Чиноз районидаги Киров номли колхоз бригадири Т. ОХУНОВА, Сурхондаёё область партия комитетининг биринчи секретари А. К. КАРИМОВ, В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг разметкачиси Е. Ф. ГРЯЗЕВА, «Саодат» журналининг редактори З. ИСРОИЛОВА, Марғилондаги «Атлас» фирмасининг тўқувчиси А. А. УМАРОВ, «Туямўюнгидростой» қурилиш бошқармасининг бошлиғи В. Г. ДУХАНИН, Нукус районидаги «РПКСМ 50 йиллиги» совхозининг директори А. ОТАМУРОТОВ, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти С. Х. СИРОЖИДДИНОВ, «Ўзбекшахтострой» трестининг бошқарувчиси Л. Я. ТЕРМАН, Ўзбекистон ССР пахта тозалаш саноати министри В. УСМОНОВ, Учқўрғон район партия комитетининг биринчи секретари А. ҲАСАНОВ ҳам сўзга чиқдилар.

Улар КПСС XXV съезди қарорларини яқдиллик билан қизғин маъқулладилар, партия анжуманининг ҳамма ҳужжатларида партиямизнинг ленинча йўли, халқнинг эчг эзгу манфаатлари мужассамлашганлигини таъкидладилар. Нотиқлар партия ташкилотлари ва комитетларининг фаолиятини янги вазифалар нуқтаи-назаридан анализ қилиб, съезд режаларини амалга ошириш йўлларини белгиладилар. Съезд қарорлари туфайли шаҳар ва қишлоқларнинг меҳнатчиларида юзага келган сиёсий активлик ва меҳнат ғайрати, умумхалқ социалистик мусобақасининг янада кенг қулоч ёйганлиги ана шу улуғвор планларнинг ҳаммаси шараф билан бажарилишига бўлган қатъий ишончни кучайтиради.

Йиғилиш қатнашчилари резолюция қабул қилиб, КПСС XXV съезди қарорларини тўла-тўкис маъқулладилар. Ўзбекистон коммунистлари съезд қарорларини доимий ижро этиш учун дастур, деб қабул киладилар. Йиғилиш КПСС Марказий Комитетининг, унинг КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги Сиёсий бюросининг сиёсий йўлини ва амалий фаолиятини яқдиллик билан маъқуллади.

Йиғилиш республика коммунистлари, барча меҳнаткашлари жочажон партия XXV съездининг улуғвор режаларини муваффақиятли равишда амалга ошириш учун, коммунизм иши учун янада зўр ғайрат ва собиткадамлик билан курашадилар, деб Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг ленинчи Марказий Комитетини ишонтирди.

Йиғилиш қатнашчилари КПСС Марказий Комитетига, Марказий Комитетнинг Бош секретари ўртоқ Леонид Ильич Брежневга баланд рух билан табрикнома қабул қилдилар.

Йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари И. Г. Анисимкин, И. Р. Курбонов, В. Г. Ломоносов, Н. М. Матчонов, Т. Н. Осетров, О. У. Сапимов, А. А. Хўжаев, Н. Ж. Худойбердиев, К. Камолов, Н. Маҳмудов, Э. Б. Нордман, С. У. Султонова, КПСС Марказий Комитетининг инструктори М. Л. Ишков қатнашдилар.

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXV съезди, деди Ш. Р. Рашидов, ҳамманинг эътиборини ўзига тортди, партиямиз билан халқимиз ҳаётида, халқаро коммунистик ҳаракатда буюк, тарихий воқеа бўлди.

Бу съезд — делегатларнинг состави жиҳатидан ҳам, шунингдек чет эл партияларидан ҳозир бўлган вакилларнинг кўплиги жиҳатидан ҳам совет коммунистларининг энг мўътабар анжумани бўлди. КПСС ҳамма отрядларининг вакиллари, қардош партияларнинг намояндалари дунёқарашларнинг тўла бирлигини, максадларнинг бирлигини, хоҳиш-ирода бирлигини, қардошларча бирдамлик ва ўртоқларча ҳамжиҳатликни, съезд қоидалари ва хулосаларини тўла-тўкис қўллаб-қувватлашларини намойиш қилганликларини қувонч билан таъкидлаймиз. Съездда ишчилар синфининг тарихий вазифасига социалистик интернационализмнинг ҳаётбахш кучига ишонч билан сугорилган ленинизм руҳи тантана қилди.

КПСС Марказий Комитети ва унинг Сиёсий бюросининг фаолияти съездда ялписига қизғин маъқулланди ва юксак баҳоланди. Партия сафларининг бирлиги ва жипслиги, партияда чинакам аҳиллик билан ишлаш, ижодий интилиш руҳи ҳукмронлик қилаётганлиги Марказий Комитетнинг катта ғалабаси эканлиги айтилди. Буни биз съезднинг олий даражадаги илҳомбахш якуни деб биламиз.

Съезд делегатлари КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг ғоят катта меҳнатини, унинг мамлакатимизда коммунизм қуриш ишига, халқаро вазиятни соғломлаштириш ишига қўшган бебаҳо ҳиссасини алоҳида ифтихор билан қайд этдилар.

Партиямиз ишида ленинча услуб кенг миқёсда қарор топганлиги ва бойитилганлиги, ички партия демократияси янада ривожлантирилганлиги Л. И. Брежневнинг номи билан боғланган. Кадрларимиз вазифаларни ҳал этишга аниқ мақсадни кўзлаб, илмий ва амалий ёндашиш санъатини Леонид Ильичдан ўрганмоқдалар. Унинг одамларга сезгирлиги ва меҳрибонлиги, унинг меҳнат аҳли фаровонлиги тўғрисидаги доимий ғамхўрлиги совет халқи учун бениҳоя қадрлидир.

Ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитети номидан съездда қилган Ҳисобот доклади делегатларда, чет эллик меҳмонларда, бутун совет халқида жуда катта, унутилмас таассурот қолдирди. Бутун дунё аҳли бу докладни зўр мароқ ва завқ-шавқ билан тингланди ва ўқиди. Унинг ҳар бир сатрида — ленинча йўл барқарорлигининг, социализм имкониятлари ўсиб бораётганлигининг, социалистик турмуш тарзи буюк гуманизмининг тасдиғини, ер юзида адолатли ва мустаҳкам тинчлик бўлиши тўғрисидаги ғамхўрликни кўриб турибмиз.

Доклад барча коммунистларнинг, ҳар бир совет кишисининг қўлдан қўймай ўқиб юрадиган ҳужжати бўлиб қолди. Улар бу докладни революцион таъсирчанлик, равшан вазифалар ва мақсадлар, порлоқ умидворлик ва ижодий илҳомбахшлик ифодаси бўлган ҳужжат сифатида чуқур ўрганмоқдалар.

Съезд КПСС Марказий Комитетининг Ҳисоботи ҳамда ички ва ташқи сиёсат соҳасида партиянинг навбатдаги вазифалари юзасидан яқдиллик билан резолюция қабул қилиб, КПСС Марказий Комитетининг сиёсий йўли ва амалий фаолиятини тўла-тўкис маъқуллади. XXV съезд ҳамма партия ташкилотларига ўз ишларида ўртоқ Л. И. Брежнев томонидан Ҳисобот докладида баён этилган қондалар ва вазифаларга амал қилишни таклиф этди.

Съездда СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Алексей Николаевич Косигин қилган «1976 — 1980 йилларда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари» тўғрисидаги доклада партиянинг янги, ўнинчи беш йилликдаги иқтисодий стратегияси конкретлаштириб берилган. Совет кишилари партиянинг социал-иқтисодий сиёсатини яқдиллик билан қизғин қўллаб-қувватлаётганлар.

КПСС XXV съезди коммунистларнинг, барча совет кишиларининг хоҳиш-иродасини ифодалаб, «Империализм ва реакция тутқунларига озодлик!» деган баёнот қабул қилди.

Съезд партиянинг раҳбар органларини яқдиллик билан сайлади. Ўртоқ Л. И. Брежнев бир овоздан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари қилиб сайланганлиги тўғрисидаги хабарни делегатлар гулдурос қарсаклар, қизғин олқишлар билан қутиб олдилар.

Съезд пировардида Леонид Ильич ёркин, чуқур мазмунли нутқ сўзлади. Ленинчи партиямиз тарихида кўпгина ажойиб съезслар бўлган, деб таъкидлади у. Бу съездларнинг ҳар бири партия ва мамлакат ҳаётида муҳим босқич бўлиб қолган. XXV съезд улар орасида реализм ва ишчанлик, ўз кучларимизга комил ишонч, коммунизм қурилишидан иборат улуғ ишимизнинг, ер юзида мустаҳкам, адолатли тинчлик учун курашимизнинг янги ғалабаларига ишонч белгиси остида ўтган катта зафарлар съезди сифатида алоҳида, беқиёс ўрин эгаллашга шубҳаланмаса ҳам бўлади.

Тўқкизинчи беш йиллик якунлари партия бош йўлининг тўғрилигини, унинг ички ва ташқи сиёсати буюк ҳаётий кучини яққол тасдиқлади. Съездда эгилинда социализм жаҳондаги воқеаларнинг боришига, ер юзидаги миллион-миллион кишиларнинг ҳис-туйғулари ва фикр-ўйларига жуда катта таъсир ўтказаётганлигидан иборат шак-шубҳасиз факт ўзининг конкрет ифодасини топди. Бу таъсир тобора кучайиб, чуқурлашиб бормоқда. Халқаро ишчилар синфи, тараққийпарвар инсоният КПССни бошқа партиялар билан марксизм-ленинизмга, пролетар интернационализмига чексиз садоқат ришталари билан боғланган коммунистик ҳаракатнинг авангарди деб билмоқдалар.

Социалистик мамлакатлар билан алоқа ва ҳамкорлик кенгайиб бораётганлиги алоҳида мамуният туйғуларини уйғотмоқда. Ўнинчи беш йилликда социалистик мамлакатларнинг ҳамдўстлиги янги, янада юқори поғонага кўтарилади.

Ўтган давр мобайнида СССРнинг мустамлака қарамлигидан халос бўлган мамлакатлар билан алоқалари мустаҳкамланди ва янги мазмун билан бойиди. Мамлакатимиз капиталистик давлатлар билан тинч-тотув яшаш принципларини қарор топтириш ишида катта силжишга эришишга муваффақ бўлди.

Партиянинг халқаро майдондаги конструктив, конкрет ва бемалол амалга оширса бўладиган мақсадлари КПСС XXIV съезди ишлаб чиққан Тинчлик программасининг узвий давоми ва ривожидир.

Бу сиёсатни биз янада зўр ғайрат билан давом эттириб, уруш ва агрессия кучларини жиловлашга, ялпи тинчликни мустаҳкамлашга, халқларнинг озодлик, мустақиллик ва социал тараққиётга бўлган ҳуқуқларини таъминлашга ҳаракат қила беришимизни XXV съезд зўр қатъият билан яна бир карра таъкидлади. Коммунистик ва ишчи партияларнинг қардошларча бирдамлиги, марксизм-ленинизмнинг бош принципларидан бири бўлган пролетар интернационализми янада мустаҳкамланганлиги ҳам съезднинг муҳим якунидир.

(Давоми иккинчи бетда).

ТОШКЕНТ, 19 март. Республика партия ташкилоти активининг йиғилишида.

А. Горокрик ва Р. Шамсутдинов фотоси. (ЎзТАГ).

РЕСПУБЛИКА ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ АКТИВИНИНГ ЙИҒИЛИШИ

КПСС XXV СЪЕЗДИНИНГ ЯКУНЛАРИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Боши биринчи бетда).

Докладчи саноат маҳсулотини, капитал маблағларни, давлатнинг халқ фаровонлигини ошириш тадбирларига сарфлаган маблағларини абсолют кўпайтириш жиҳатдан ўтган беш йиллик мамлакат тарихидаги энг яхши беш йиллик эканлигини айтиб, тўқкизинчи беш йиллик ишларига батафсил тўхталиб ўтди. КПСС XXV съезди ўртага қўйган вазифалар тўғрисида гапирди.

КПСС XXV съезди ривожланган социализм шароитида партия ижтисодий сиёсатининг келгуси беш йилликдаги ҳамда анча олис истиқболдаги принципиал йўл-йўриқларини ривожлантирди ва конкретлаштириб берди. Тўқкизинчи ва ўнинчи беш йиллик планлар ўзининг асосий йўналишлари жиҳатидан яхлит бир пландан иборат бўлиб, партия иқтисодий ва социал сиёсатининг узоқ муддатли режаларини ўз ичига олган.

Ўнинчи беш йилликда партия иқтисодий стратегиясининг асоси — мамлакатнинг иқтисодий қудратини муттасил оширишдан ишлаб чиқариш фондларини кенгайтириш ва тубдан янгилашдан, социалистик экономиканинг пойдевори бўлган оғир саноатни муттасил ривожлантиришни таъминлашдан иборат. Мамлакат ишлаб чиқарувчи кучларини жойлаштиришни яхшилаш, ҳамма республикаларни жадал ривожлантириш кўзда тутилмоқда.

Янги беш йилликда капитал маблағ ҳажми салкам 630 миллиард сўмни ташкил қилади. Бу маблағлар биринчи навбатда ишлаб турган корхоналарни техника билан қайта қуроллантириш ва реконструкция қилишга ишлатилади. Саноат маҳсулотини кўпайтиришнинг 90 проценти ва қурилиш ҳажмини кўпайтиришнинг ҳаммаси меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига таъминланиши лозим.

Партия қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришни сифат жиҳатидан янада ўзгартириш вазифасини ўртага қўйди. Шу тармоқда сарфланадиган капитал маблағ қарийб 172 миллиард сўмга етади. Хўжаликлараро кооперация ва аграр-саноат интеграцияси негизида ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва концентрациялаш давом эттирилади. Партия қишлоқ хўжалигини янада юксалтиришни жуда муҳим умумдавлат, умумхалқ вазифаси деб билмоқда.

Съезд бошқариш, планлаштириш, хўжалик фаолияти соҳасида қиска муддат ичида ҳал этилиши лозим бўлган проблемаларни жуда қатъий принципиаллик билан ўртага қўйди.

Ишлаб чиқаришни ўстириш ва ривожлантириш асосий социал вазифаларни ҳал қилиш учун янги имкониятлар яратди. Ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳакини 16 — 18 процент, колхозчиларнинг даромадларини 24 — 27 процент ошириш, ижтимоий истеъмол фондларидан бериладиган тўловлар ва имтиёзларни 28—30 процент кўпайтириш кўзда тутилмоқда. 545—550 миллион квадрат метр янги уйжой қурилади. Халқ истеъмол қиладиган моллар ишлаб чиқариш кўпайтирилади, савдо-сотиқ ва меҳнаткашларга маиший хизмат кўрсатиш яхшиланади.

Хамиша бўлганидек, ўнинчи беш йиллик режаларида ҳам социалистик жамиятимизнинг инсонпарварлиги яққол намоён бўлмоқда. Бу хислат аввало аҳолининг меҳнат шароитларини яхшилаш, сиҳат-саломатлигини муҳофаза қилиш тўғрисидаги, унинг маълумоти ва маданий савиясини ошириш ҳақидаги янги ғамхўрликда кўриниб турибди.

Ўнинчи беш йиллик режалари меҳнаткашларни фидокорона ижодий меҳнат қилишга руҳлантирмоқда, уларга янги ғайрат бахш этмоқда, партия режаларини бажаришга бўлган азми қарорни кучайтирмоқда.

Съезд қабул қилган иқтисодий ва социал программа асосида, — деди сўнгра Ш. Р. Рашидов, республикамизнинг ҳам, ҳар бир область, шаҳар, районнинг, ҳар бир меҳнат коллективининг ҳам конкрет вазифалари белгилаб олинмоқда. Бизда ўз режаларимизни бажариш билангина кифояланмасдан, анча ошириб бажариш учун ҳам ҳамма шароитлар ва имкониятлар бор. Биз ортирилган жамики тажрибадан самарали фойдаланиб, янги юксак марралар сари боришимиз лозим.

Ўнинчи беш йилликда Ўзбекистонда саноат ишлаб чиқаришни янада ривожлантиришнинг катта истиқболлари очилмоқда. Саноат ишлаб чиқариши ҳажми 35 — 39 процент кўпаяди. Халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини ва аввало техника тараққиётини белгилаб берувчи тармоқларини янада комплекс ривожлантириш кўзда тутилмоқда. Пахтачиликни ва мелиорация ишларини комплекс механизациялаш учун керакли машиналар, енгил саноат ва озиқ-овқат саноати учун асбоб-ускуналар ишлаб чиқариш, халқ учун керакли моллар чиқариш кўпайтирилади.

Биз рангли, нодир, асл металлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришни ва руда хом ашёсидан фойдаланишнинг комплекслилигини оширишни таъминлашимиз лозим. Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг қувватларини ошириш, В. И. Ленин номидаги Ўзбекистон металлургия комбинатида электр ёрдамида пўлат эритиш ва прокат корхонасининг биринчи навбатини ишга тушириш, Чирчиқ «Электрохимкомпром» бирлашмасида капролактам ишлаб чиқарадиган янги қувватларни, Самарқанд аммофос заводининг иккинчи навбатини, янги Қўқон химия заводини ва бошқа бир қанча корхоналарни ишга тушириш лозим. Тошкент трактор заводида «МТЗ-80-Х» тракторини ишлаб чиқаришни ташкил этишни жадаллаштириш ва унинг пўлат қуйиш комплексини қуришга алоҳида эътибор берилиши керак. Андижон ва Нукус ип газлама комбинатлари, Гулистон ёғ комбинати қурилиши билан боғлиқ бўлган ҳамма масалалар оператив ҳал этилиши зарур.

Ўртага қўйилган вазифаларнинг муваффақиятли бажарилиши кўп жиҳатдан беш йилликнинг биринчи йилидаги ишга боғлиқ бўлади. Ўтган икки ойнинг якунлари саноат меҳнаткашлари яхши суръат билан ишлаётганликларини кўрсатиб турибди. Бироқ, ўртоқлар, агар биз эришилган натижаларни муносиб баҳолаш билан бирга бутун диққат-эътиборни мавжуд камчиликларга ва резерварга қаратсак, тўғри иш қилган бўламиз. Биз ҳамиша ва ҳар соҳада ҳам кўнгилдагидек ишладик дея олмаймиз. Ишлаб чиқаришни интенсивлаш йўли суст кашлик билан амалга оширилди. Республикамиздаги ишлаб чиқариш қувватларининг бир қисми мўлжалдагидек ишга туширимади ёки ўзлаштирилмади. Айрим тармоқларда фан ва техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш ҳанг аҳволда турибди. План, технология ва меҳнат интизомини бузиш ҳолларидан халос бўлишга ҳамон эришганимиз йўқ.

Биз бу камчиликларни тугатишимиз лозим. Қандайдир қўшимча кўрсатмалар берилишини кутмаслик, қийинчиликлар маблағни кўпайтириш ёрдамида бартараф этилишига умид қилмаслик керак. Ҳамма проблемаларни ички резервларни ишга солиш, коллективларнинг ташаббускорлигини ривожлантириш йўли билан ҳал этишга интилиш зарур. Меҳнат унумдорлигини ва фондларнинг самарадорлигини ҳар томонлама оширишга, меҳнат ресурсларидан, асбоб-ускуналардан фойдаланишни яхшилашга ва иқтисодий тежашни кучайтиришга алоҳида эътибор бериш керак.

Ўнинчи беш йиллик — том маънодаги сифат беш йиллигидир. Сифат проблемаси хўжалик фаолиятининг ҳамма жиҳатларини камраб олади. Шу сабабли XXV съезд планлаштириш ва бошқаришнинг бутун механизми, моддий ва маънавий рағбатлантиришнинг бутун системаси, инженерлар, конструкторларнинг куч-ғайратлари ва ишчиларнинг маҳорати маҳсулот сифатини оширишга қаратилиши кераклигини таъкидлади. Бизнинг вазифамиз москволиклар билан ленинградликлар «Маҳсулот сифатига — ишчи кафолати» шиори остида бошлаган ҳаракатни кенгайтиришдан, сифатни бошқаришнинг комплекс системасини қунт билан жорий қилишдан, ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида Сифат белгиси қўйилган маҳсулот улушини кўпайтиришдан иборат.

Марказий Комитет билан республика Министрлар Совети бултур кичик шаҳарларда, район марказлари ва ишчи посёлкаларида саноатни ривожлантириш тўғрисида қарор қабул қилдилар. Қишлоқ жойларда корхоналар қуриш ишлаб чиқарувчи кучларни планли равишда, рационал ривожлантириш имконини беради. Бу қарорни қатъият билан бажариш лозим.

Қурувчиларнинг вазифалари бениҳоя катта. Бирон тармоқни — саноатни ҳам, қишлоқ хўжалиги, илм-фанни ҳам қурувчиларнинг иштирокисиз ривожлантириб бўлмайди. Шу боисдан ҳам биз уларга катта умид боғлаяпмиз, уларга ҳар томонлама ёрдам ва мадад бераяпмиз.

XXV съезднинг капитал қурилиш масалаларига доир йўл-йўриқларига амал қилиб, планлаштириш, лойиҳалаш ва қурилиш ишларини ташкил этишни яхшилаш, қурилишнинг давомийлигини қисқартириш ва таннархини камайтириш ҳисобига капитал маблағлар самарадорлигини муттасил оширишга, янги ишлаб чиқариш қувватларини тезроқ ишга туширишга ва ўзлаштиришга ҳаракат қилиш керак.

Съездда капитал маблағларни планлаштириш ва улардан фойдаланишга ёндошишнинг ўзини ўзгартириш вазифаси қўйилди. Энди планлаштирилган маҳсулотни кўпайтириш учунгина маблағ ажратиладиган бўлади. Материал ва молия ресурслари биринчи галда фан-техника тараққиётини жаллаштиришни таъминлайдиган объектлар қурилишига ҳамда ишлаб турган корхоналарни техника билан қайта қуроллантириш ва реконструкция қилишга сарфланиши зарур.

Икки ойлик иш якунлари ҳамма асосий қурилиш ва монтаж министрликлари ҳамда идоралари икки ойлик пудрат ишлари планини бажарганликларини кўрсатиб турибди. Шу билан бирга имконият ва резервлардан ҳали ҳам тўла-тўкис фойдаланилмаётир. Қуйи пудратчи ташкилотларнинг деярли учдан бир қисми ишларнинг ҳажми ва меҳнат унумдорлигини ошириш юзасидан белгиланган икки ойлик планни уддалай олмади. Улар орасида Фарғонадаги 8-трест, «Алмаликсвинецстрой» тресті, Қишлоқ қурилиши министрлигининг 23-трести, «Главташкентстрой»нинг тўртта трести ва шу сингари бошқа катта қурилиш ташкилотлари ҳам бор.

Область партия комитетлари, пудратчи ва заказчи министрликлар ҳамда идоралар ҳамма қурилишлардаги ишлар тармоқ графикларига аниқ мувофиқ равишда олиб борилиши, ишда узилиш ва штурмчиликка йўл қўйилмаслиги тўғрисида гамхўрлик қилишлари керак. Айниқса йилдан-йилга оркада қолиб келаётган областларда уй-жой, маданий-маиший ва коммунал қурилишга кўпроқ эътибор берилиши лозим.

Янги техника ва илғор тажрибани, аввало, Николай Злобин методи асосидаги бригада пудратини жорий этиш қадитал қурилишдаги планлар ва соцпластик мажбуриятлар муваффақиятли бажарилишининг асосидир. Бу метод ҳамма қурилиш ва монтаж ташкилотларида жуда кенг миқёсда қўлланилиши керак.

Халқ хўжалигининг ҳамма тармоқлари самарадорлигини ошириш, аҳолига кўрсатиладиган хизматни янада яхшилаш кўп жиҳатдан транспорт ва алоқанинг ишига боғлиқ. Министрликлар, идораларнинг раҳбарлари, область, шаҳар, район партия комитетлари, совет, касаба союз ташкилотлари ўзларининг бутун диққат-эътиборлари ва куч-ғайратларини транспорт ва алоқа корхоналари ҳамда ташкилотларини янада ривожлантириш ва уларни техника билан қайта қуроллантиришга, ишга туширилаётган қувватларни муддатидан илгари ўзлаштиришга, ҳаракат составидан ва алоқа воситаларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга қаратишлари зарур.

Ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторларининг ижобий тажрибасини кенгроқ оммалаштириш ва жорий этиш зарур. Бу — ҳар бир меҳнат коллективи ихтиёридаги катта резервдир.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети якинда ўн ажойиб меҳнатчи — Мўйнок балик консерва комбинатининг ишчиси Б. Асанова, Тошкент тўқимачилик комбинатининг тўқувчиси А. С. Верзилина, авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг фрезерчиси А. А. Девятова, «Ташсельмаш» заводининг токари Б. В. Ефремов, Самарқанддаги «Труд женщин» фабрикасининг попочиси С. Лукмонова, Тошкент электрон-техника заводининг созловчиси А. Н. Муҳамедов, Чирчиқ «Промтехмонтаж» бошқармасининг слесари М. М. Овсянников, Андижон «Электроаппарат» заводининг пресловчиси К. Тошматов, Марғилон «Атлас» фирмасининг тўқувчиси А. Умаров, Тошкент «Малика» трикотаж фирмасининг тўқувчиси Ш. У. Холмуҳамедоваларнинг ташаббусини мақуллади. Улар ўнинчи беш йилликда иккита беш йиллик топшириқни бажариш мажбуриятини олдилар. Уларнинг ватанпарварлик ташаббуси гоят маъқулланди ва қизғин қўллаб-қувватланди. Илғорлар сафини кенгайтириш, ўнлар ташаббуси минг-минглаб меҳнаткашларнинг ҳаракатига айланишига интилиш зарур.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида партия аграр сиёсатини изчиллик билан муттасил амалга ошириш ҳамон бутун ишимизнинг бош мақсади бўлиб қолмоқда. Бу сиёсатнинг асосий йўналишлари КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг Ҳисобот докладида аниқ равшан таърифлаб берилган Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини сифат жиҳатидан ўзгартиришга катта маблағ ажратилмоқда.

Партиянинг хўжаликлараро кооперация ва аграр-саноат интеграцияси негизида ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва концентрациялаш ҳар тарафлама ривожлантириш йўли ғоят муҳим аҳамиятга эгадир.

Республикамиз эввалгидек мамлакатнинг асосий пахта базаси, пахта етиштиришни кўпайтириш эса — бизнинг Ватан олдидаги олий ватанпарварлик ва интернационал бурчимиз бўлиб қолмоқда.

Пахтакорлар тўқкизинчи беш йиллиннг шараф билан якунладилар. Улар сув ғоят танқис бўлиб, об-ҳаво ноқулай келган шароитда чинакам жасорат кўрсатдилар — давлатга 24 миллион 500 минг тонна пахта топширдилар. Бу жасоратга КПСС XXV съездида юксак баҳо берилди. «Пахтакорларимиз... тўғрисида илик сўз айтмай бўлмайди, — деб таъкидлади ўртоқ Л. И. Брежнев Ҳисобот докладида. — Беш йилликнинг ҳар йили пахта... етиштиришда катта муваффақиятлар билан нишонланди».

Янги беш йилликда яна бир катта қадам қўйиш — республикада пахта етиштиришни камида 28 миллион тоннага етказиш, яъни 1971—1975 йилларгага нисбатан 25 процент кўпайтириш лозим. Шу йилнинг ўзидаёк биз мамлакатга камида беш миллион 300 минг тонна «оқ олтин». шу жумладан 270 минг тонна қимматбаҳо ингичка толали нав пахта беришимиз, камида уч миллион тонна пахтани машинада теріб олишимиз, маҳсулот сифатини ошириб, таннархини камайтиришимиз лозим. Биз беш йиллик охирига бориб республикада пахта етиштириш, Ўзбекистон Компартияси XIX съездида белгилаб берилганидек олти миллион тоннага етказилди ва 1976—1980 йилларда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишларида кўзда тутилганидан 200 минг тонна оширилади, деб XXV съездни ишонтирдик.

Тошкент областининг пахтакорлари беш йиллиннг биринчи йилида контрактация планидаги 405 минг тонна ўрнига 430 минг тонна, Сурхондарё областининг пахтакорлари пландаги 450 минг тонна ўрнига 500 минг тонна пахта етиштиришга қарор бериб, кимматли ташаббус бошладилар. Амударё, Жалолқудуқ, Қорақўл, Пахтакор, Қарши, Учқўрғон, Пахтачи, Шўрчи, Оқолтин, Юқори Чирчиқ, Қува ва Қўшқўпир районларининг пахтакорлари ҳам оширилган мажбуриятлар қабул қилдилар, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети шу областлар ва районларнинг ватанпарварлик ташаббусини маъқуллади, ҳамма пахтакорларга улардан ўрнак олишни, пахта етиштиришни кўпайтириш учун имкони бўлган ҳамма ишни қилишни, ўнинчи беш йилликнинг биринчи йилида янги мувафақиятларга эришиб Ватанни қувонтиришни тавсия қилди. Қорақалпоғистон АССР ва республикадаги бошқа ҳамма областларнинг пахтакорлари ўзлари учун юксак марраларни белгилаб олмоқдалар.

Шу марраларга эришиш учун ҳозиримиз ўзиданоқ, кўкламнинг дастлабки кунларидан бошлабок пировард натижалар тўғрисида ғамхўрлик қилиш, ҳосил учун кун сайин кураш олиб бориш керак. Биринчи босқичда учта бош вазифани ҳал этиш:

биринчидан, чигитни тупроқнинг ўз намида ундириб олишга эришиш (бу эса ғўзаларнинг дуркун ўсишини, ҳосилнинг эрта пишиб етилишини таъминлаш имконини беради);

иккинчидан, ҳар гектар ерда ғўза тупларининг 130 минг чамаси миқдордаги юксак қалинлигига эришиш муҳимдир. Бизнинг назаримизда чигитни кўш қаторлаб экиш керакми ёки бир қаторлаб экиш керакми, деган масала устида кўп баҳслашиб ўтиришнинг кераги йўқ. Чигитни мазкур хўжаликда меҳнат ва маблағни тежатертаг сарфлаган ҳолда, ишларни механизациялаш даражасини оширган ҳолда мўл ҳосил етиштиришга ёрдам берадиган усулда экиш лозим;

учинчидан, сув камчиллиги оқибатларини камайтириш юзасидан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан республика ҳукуматининг қарорида кўзда тутилган ҳамма тадбирларнинг тўла-тўкис ва ўз вақтида бажарилиши муҳимдир. Бу йил ҳам, айниқса Норин, Қорадарё, Чирчиқ ва Сирдарё ҳавзаларида сувнинг кам бўлиши тахмин қилинмоқда. Агар белгиланган тадбирлар амалга оширилмаса, катта майдонлардаги пахтазорлар қўрғоқчилик азобини тортиши мумкин.

Бу йил биз ингичка толали пахта экиладиган майдонларни бутун чоралар билан кенгайтириш йўлида янги жиддий қадам қўйишимиз лозим. Ю. П. Хуторнойнинг юқори сифатли тола берадиган «С-6035» ва «С-6037» янги навларидан яхшироқ фойдаланиш керак.

Хаммамиз пахтачиликка техника тараққиётини жорий этиш ва уни интенсивлашга, пахта ҳосилдорлигини муттасил оширишга, пахта етиштиришни агротехникаси ва технологиясини такомиллаштиришга кўпроқ эътибор беришимиз зарур. Пахтачиликнинг юксак иқтисодий самарадорлиги айни шу йўл билангина таъминланиши лозим.

Алмашлаб экишни жорий қилиш деҳқончилик маданиятини янада оширишнинг, далалар ҳосилдорлигини кўпайтиришнинг энг муҳим шартларидан биридир. Шу беш йилликда республиканинг ҳамма хўжаликларида алмашлаб экишни тўла-тўкис ўзлаштириш учун колхоз ва совхозларнинг раҳбарларига нисбатан талаб чанликни ошириш зарур.

Биз 462 минг гектар янги ер ўзлаштиришимиз. 500 минг гектар ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилашимиз ва 300 минг гектар ерни яхшилаб текислашимиз керак. Бу жуда катта вазифа ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун ҳамма иш қилиниши зарур. Биз янги ўзлаштирилган ерлардан ҳар гектарининг ҳам, суғориладиган эски ерлардан ҳар гектарининг ҳам самарадорлигини кўтаришимиз керак. Афсуски, айрим жойларда ерга ҳали ҳам ношудлик билан муносабатда бўлинмоқда.

Партия, совет ва қишлоқ хўжалик органларининг вазифаси қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг резервлари ва имкониятларини кўпиддангина иборат бўлиб колмай, шу резерв ва имкониятларни ишга солишдан ҳам иборатдир. Резервларнинг ҳаммасини иқтисодий жиҳатдан асослаш, планларга, топшириқларга, мажбуриятларга киритиш ҳамда ташкилотчилик ва... сиёсий ишнинг ҳамма формаларини ана шу планлар, топшириқлар, мажбуриятларни бажаришга бўйсундириш лозим.

Бизда жуда катта резервлар бор.

Аввало биз қуйидаги иккита катта резервдан фойдаланишимиз керак. Биринчидан, хўжаликлар ичидаги партов ерлар ҳисобига ҳар бир колхоз ва совхоздаги экинзорларни кенгайтириш, далаларни реконструкциялаш, улар орасидаги тут дарахтларини олиб ташлаш имкониятини доимо қидириб топиш, иккинчидан, гектар бошига шу пайтгача 25 центнердан кам ҳосил олиб келаётган хўжаликлар ҳосилдорлигини ошириш лозим.

Қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқлари меҳнатчилари олдида катта вазифалар турибди. Янги беш йилликда дон етиштиришни кескин кўпайтириш — давлат аҳамиятига эга бўлган катта ишдир. Тошкент, Самарқанд ва Сурхондарё областларининг деҳқонлари бу вазифани яхши тушундилар. Улар лалмикор ва суғориладиган ерларда дон хўжалигини ҳар томонлама ривожлантиришни таъминлаш соҳасида қимматли ташаббус билан майдонга чиқдилар.

Бошқа областлар ҳам дон етиштириш юзасидан катта мажбуриятлар қабул қилишди. Бу йил биз шу муҳим маҳсулотни етиштиришни икки миллион икки юз минг тоннага, беш йиллик охирига борганда эса тўрт миллион тоннага етказиш мажбуриятини олдик. Бу — бемалол бажарса бўладиган вазифадир, биз уни албатта муваффақиятли ҳал этишимиз лозим.

Сабзавот, полиз маҳсулотлари, картошка, мева, узум ва бошқа маҳсулотлар етиштириш кўпайтирилади. Аҳолинй шу маҳсулотлар билан таъминлаш яхшиланади, мамлакатнинг саноат марказларига уларни етказиб бериш кўпаяди. Шу йилнинг ўзидаёк биз 4 миллион тонна мева ва сабзавот етиштиришимиз керак.

Мева-сабзавотчиликни жадал ривожлантириш учун биз, биринчидан, ихтисослаштиришни янада кучайтиришимиз, аграр-саноат бирлашмаларини туза беришимиз; иккинчидан, мева-сабзавотчиликни сабот билан механизация технологиясига ўтказишимиз; учинчидан, селекция-уруғчилик ишини кескин яхшилашимиз керак. Шундай қилмай туриб ҳосилдорликни анча юксалтиришга умид боғлаб бўлмайди. Теплица хўжалигини кенгроқ ривожлантириш, бутун йил бўйи янги маҳсулотнинг ҳамма зарур турларини етиштириш лозим. Ўрток Л. И. Брежневнинг «Бу ўринда майда иш йўқ — картошка пиёзнинг ўрнини, помидор шарбати эса ўсимлик ёғининг ўрнини босмайди» деган сўзлари ҳаммамизнинг дастурхонида ҳамма нарса мукаммал бўлиши лозим. Буни таъминлаш эса қишлоқ хўжалик ходимларининг бевосита бурчидир», — деган кўрсатмасини доимо эсда тутиш керак.

Ўнинчи беш йилликда биз чорвачиликни анча юксалтиришни таъминлашимиз лозим. Гарчи умуман республикада чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва сотиш кўпайган бўлса ҳам, аммо бу соҳадаги суръатлар етарли эмас, бир қанча районларда эса иш мутлақо қониқарсиз олиб борилмоқда. Бу ғаз аввало Ховос, Тахтакўпир, Жомбой, Ургут, Ғиждувон, Ғузор, Қизилтепа, Хазорасп, Косонсой районларидаги хўжаликларга тааллуқлидир. Бу районларнинг раҳбарлари чорвачиликни ривожлантириш муҳим партиявий иш эканлигини ва Марказий Комитет XVI пленумининг қарорларини ҳамма бажаришга мажбур эканлигини ниҳоят тушуниб олишлари зарур.

Кейинги йилларда қишлоқ хўжалигини малакали кадрлар билан мустаҳкамлаш соҳасида кўп иш қилинди. Шу билан бирга совхозлар бўлимларининг раҳбарларини, бригадирларни, чорвачилик фермаларининг мудирларини тайёрлаш савиясини кўтариш, механизаторларнинг малакасини ошириш зарур. Бу — иш-ниг жуда муҳим участкаси бўлиб, ҳамма партия комитетлари унга зўр эътибор билан қарашлари лозим.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни янада юксалтириш вазифасини ҳал этишга халқ хўжалигининг ҳамма тармоқлари муносиб ҳисса қўшишлари керак. Колхоз ва совхозларга доимо оталик ёрдами бериб турилиши керак.

КПСС XXV съезди қишлоқ меҳнаткашлари олдига қўйган вазифаларни ҳал этишда партия, совет ташкилотлари, қишлоқ хўжалик, сув хўжалиги органлари ва саноат корхоналарининг биргаликда куч-ғайрат сарфлаши белгиланган планлар ва социалистик мажбуриятларни бажаришнинг ишончли гарови бўлади.

Республикада халқ хўжалигига раҳбарликни яхшилаш, бошқариш аппаратида ортиқча бўғинларни қисқартириш, унинг ишини такомиллаштириш борасида кўпгина иш қилинди. Бу аввал масалалар бундан буён ҳам партия ва совет органларининг диққат-марказида туриши лозим. Леонид Ильич Брежнев таъкидлаб ўтганидек, «Экономикага раҳбарликни яхшилаш тадбирларини энг муҳим резерв деб қарашга ҳаклимиз. бу резервдан фойдаланиш ўнинчи беш йиллик планини муваффақиятли бажаришга ёрдам беради».

Бошқариш ва планлаштиришнинг бутун механизмини жиддий равишда такомиллаштиришни таъминлаш зарур. Бу ишлар халқ хўжалигининг пировард натижаларига бўйсундирилиши лозим.

Фаннинг барча тармоқларини ривожлантиришда илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш ва координациялаш маркази сифатида Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг роли беқиёс ўсмоқда. Шунга эришиш керакки, ҳар бир қимматли кашфиёт, олимларнинг ҳар бир таклифи дархол практикага жорий этилсин. Бу масалага министрликлар ва идораларнинг, корхоналар, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари чинакам партиявий, давлат нуктаи назаридан ёндашишлари керак.

КПСС XXV съезди тузумимизнинг кучи оммаанинг онглилигида эканлигини, барча совет кишиларида коммунистик ғоявийликни, коммунизм қуришга шайликни, ирода ва маҳоратни тарбиялашни партия ҳамиша ўзининг вазифаси деб билишини алоҳида таъкидлаб ўтди. Идеология ишн самарадорлигини оширишнинг янги вазифалари партия ташкилотлари олдига қўйилди. Бунда асосий нарса — бутун тарбия ишининг қўйилишига комплекс ёндашишни таъминлашдан, меҳнаткашлар турли группаларининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ғоявий-сиёсий, меҳнат ва ахлоқий тарбиянинг мустаҳкам бирлигига эришишдан иборат.

Ҳозир барча партия ташкилотларининг вазифаси партия XXV съезди материалларини кенг пропаганда қилиш ва ўрганишдан иборат. Коммунистлар, раҳбар кадрлар бу материалларни айниқса чуқур ўрганишлари даркор. Ҳисобот докладидаги, халқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари тўғрисидаги докладдаги, ўртоқ Л. И. Брежневнинг якунловчи нутқидаги хулоса ва қоидалар — билимларнинг, мувафақиятга эришиш учун қандай ишлаш кераклиги тўғрисида конкрет кўрсатмаларнинг бебаҳо манбаидир.

Съезд ғояларини ҳар бир киши онгига етказиш — пропагандистлар, лекторлар, докладчиларнинггина бурчи эмас, балки, шунингдек барча коммунистларнинг партия активистларининг ҳам шарафли бурчидир. «Бу ишни, — деб таъкидланади Ҳисобот докладида, — ҳамма билимларимизни, бутун ишонтириш маҳоратимизни, бутун қалбимиз кучини сарфлаб олиб боришимиз керак. Мана шуларнинг ҳаммаси съезд қарорларини оғишмай амалга оширишнинг шарт-шароитларидан биридир».

Съезд материаллари партия ва комсомол ўқуви системасида, иқтисодий таълим системасида, коммунистик меҳнат мактабларида, халқ университетларида, лекторийларда муфассал ўрганилиши керак. Съезд ғояларида, унинг программ йўл-йўриқларида улкан илҳомбахш куч мавжуд. Агар биз бу ғояларни ҳар бир кишининг ақли ва қалбига етказа олсак, бу куч актив ҳаётий позицияни, ижтимоий бурчга, коммунизм йўлида меҳнатга онгли муносабатда бўлишни тарбиялашда ёрдам беради.

Оммани сиёсий тарбиялашда муваффакият ўлчови — конкрет ишлардан иборат. Ҳар бир киши социалистик мусобақада, коммунистик меҳнат ҳаракатида актив қатнашиши муҳимдир. Муқобил планларни қабул қилиш, юксак сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш, юксак меҳнат унумдорлиги, беш йиллик шахсий планларини 2-3-4 йилда бажариш учун кураш ҳаракати ташаббускорларига мингминглаб меҳнаткашлар қўшилмоқда. Мусобақа қатнашчилари ҳар бир станок ва машинадан, иш вақтининг ҳар бир минутидан унумли фойдаланишларга эришиш, бутун куч-ғайратларини меҳнат самарадорлигини оширишга, маҳсулот сифатини яхшилашга, ишлаб чиқариш резервларини кидириб топишга, материал ва маблағларни тежашга қаратишларига эришиш лозим. Партия, касаба союз, комсомол ташкилотлари оммаанинг ташаббуси билан туғилган ҳамма яхши нарсаларни олиб, ижодий таҳлил қилишлари ва фойдали янгиликларни ўнинчи беш йиллик вазифаларини бажаришда қўлланишлари, ишчи коллективларида бирорта ҳам қолок кишининг бўлмаслигига эришишлари зарур. Мусобақанинг асосий моҳияти ҳам ҳозир худди мана шундадир.

КПСС XXV съезди шахсни ахлоқий, ижтимоий бурчга онгли муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаш соҳасида катта вазифаларни илгари сурди. Партия ташкилотлари ишни шу йўсинда олиб боришлари керакки, токи муттасил ўсиб бораётган моддий фаровонлик кишиларнинг ғоявий-ахлоқий ва маданий савияси ошиши билан уйғунлашиб кетсин. Акс ҳолда мешчанлик, майда буржуа психологияси кўринишлари юз бериши мумкин. Биз халқ мулкини талон-торож қилиш, порахўрлик, текинхўрлик, ичкиликбозлик, безорилик, хусусий мулкчилик психологияси, чайқовчилик, кишиларга локайд қараш сингари жамиятга зид бўлган ҳодисаларга қарши кескин кураш олиб боришимиз керак.

Меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашда меҳнат коллективлари ролини муттасил ошириш лозим. Ҳар бир меҳнаткаш ҳақида ғамхўрлик қилиш, унинг эҳтиёжларига эътибор билан қараш, ўзаро ёрдам ва талабчанлик — турмуш тарзимизнинг ажралмас белгилари бўлиб, буларни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш лозим. Жамоатчилик фикри меҳнат интизомини бузиш, ҳўзбўямачилик, хўжасизлик ва лапашанглик фактларига қарши қатъий курашга йўналтирилиши лозим.

Партия, ҳаёт биздан халқ маорифи ва профессионал тайёргарлик системасини такомиллаштиришни давом эттиришни қатъий талаб қилмоқда. Бу ишда олий ўқув юртларида, техникумларда ҳам, шунингдек, мактабларда ҳам фан-техника революциясининг шарт-шароитларини ҳисобга олиш керак бўлади. Ижодий меҳнатга лаёқатли, ўз билимини мустақил тўлдира оладиган ҳар томонлама камол топган кишиларни тайёрлаш керак. Ҳунар-техника таълимини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга алоҳида эътибор бериш лозим.

Партия ташкилотлари кишиларни ватанпарварлик ва интернационализм руҳида тарбиялашга кўп куч сарфламоқдалар. Бу ишда СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллиги ва Ғалабанинг 30 йиллиги байрам қилиниши, иттифоқдош республикалар, жумладан, Ўзбекистоннинг юбилейлари жуда катта роль ўйнади. Совет халкларининг интернационал қардошлиги, уларнинг жипслиги, ўз Ватанига садокати шу жажойб байрамларнинг асосий мазмуни бўлди. Бунда ғоявий-сиёсий ишда тўпланган тажрибани мустаҳкамлаш ва бойитиш, меҳнаткашларни ватанпарварлик ва интернационал тарбиялашни янада ташаббускорлик билан ва кенг ўтказиш, совет халкларининг бузилмас дўстлиги ва қардошлигини бундан буён ҳам мустаҳкамлаш энг муҳим вазифадир. Интернационал тарбияда рус тилини — СССР халқларининг миллатлараро алоқа қилиш тили, совет кишиларининг дўстлик ва қардошлик тилини ўрганиш ғоят муҳим аҳамиятга эгадир.

Ёшларни, барча меҳнаткашларни жисмоний тарбиялаш — партия, касаба союз ва комсомол фаолиятининг муҳим соҳаси ҳисобланади. Бу муҳим ишнинг аҳволи партия талабларига жавоб бериши, янги кишини тарбиялашга, ёшларнинг ҳарбий ватанпарварлик тайёргарлигига ёрдам бериши, физкультура ва спортнинг оммавийлигини, уларнинг соғломлаштириш функциясини ривожлантиришга кўмаклашишга эришиш зарур.

Меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашда адабиёт ва санъат арбоблари, маданий-оқартув муассасалари зиммасига катта вазифалар тушади. Адабиёт ва санъат арбоблари қаҳрамонона давримизга мухосиб талантли асарлар яратишларига, инсоннинг энг яхши фазилатларини қўллаб-қувватлашларига эришиш лозим. Улар меҳнат коллективлари билан алоқаларни (мустаҳкамлашлари, партия ғояларини янада актив пропаганда қилишлари керак.

Бу беш йиллик шаҳар аҳолисининг ҳам, қишлоқ аҳолисининг ҳам турмуш маданиятида тўғ ўзгаришлар беш йиллиги бўлиб колишига эришиш зарур. Ўзларингизга маълумки, ўтган йили Тошкентда шу масалага бағишлаб Бутуниттифоқ илмий-амалий конференцияси ўтказилди. Конференциянинг якунлари бўйича ана катта тадбирлар ишлаб чиқиб, уларни амалга оширмоқдамиз. Турмуш маданиятини ошириш проблемаларини координациялаш ва оператив ҳал этиш учун Марказий Комитет, область, шаҳар ва район партия комитетлари ҳузурида кенгашлар тузилди. Худди шундай кенгашлар

РЕСПУБЛИКА ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ АКТИВИНИНГ ЙИҒИЛИШИ

КПСС XXV СЪЕЗДИНИНГ ЯКУНЛАРИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Боши 1 ва 2-бетларда)

ғоявий-сиёсий арсеналини тасаввур қилиш мумкин эмас.

Съезд партия сафлари анчагина ўсганлигини, кейинги йилларда унинг сифат состави яхшиланганлигини таъкидлади. Съезд ривожланган социализм шароитида, КПСС бутун халқ партияси бўлиб колган бир вақтда партия ўзининг синфий характерини сира йўқотмаслигини, ўз табиатига кўра ишчилар синфининг партияси бўлиб келганлиги ва шундай бўлиб колаверишини қайд килди.

Бу йўл бизда — республика партия ташкилотида ҳам қатъий амалга оширилмоқда. Сўнгги беш йилда партияга қабул килинган 90 минг кишининг 65 мингтаси ишчилар ва колхозчилардир.

Вазифа — партия сафларининг ўсишики таъминловчи таъсирни бундан буён ҳам кучайтиришдан, партияга ишчилар синфи, колхозчи-деҳқонлар, халқ зиёлиларининг энг муносиб вакилларини якка тартибда танлашдан иборат ва ленинча принципларга қатъий риоя қилишдан иборат.

Партия раҳбарлигининг даражаси партиямизнинг асосини ташкил этувчи бошланғич партия ташкилотларининг, шунингдек, ишлаб чиқариш бошида турган партия группаларининг нечоғли жанговар ва ташаббускорлик кўрсатиб ишлашларига бевосита боғлиқдир. Барча партия ташкилотларининг бундан буён ҳам гоят қатъият билан мустаҳкамлаш, уларнинг ролини оширish, ишда конкрет ёрдам бериш ва қўллаб-қувватлаб, сиёсий-хўжалик вазифаларини ҳал этишда уларга кўпроқ таяниш лозим.

Леонид Ильич Брежнев КПСС Марказий Комитетининг Хисобот докладида иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетлари, ўлка, область, шаҳар ва район партия комитетлари иши ҳақида жуда самимий гапларни айтди. Жойларда партия сиёсатини ўтказиш учун асосий жавобгарлик уларнинг зиммасидадир, деб таъкидлади у. Бу жуда ўқсак баҳодир, ўртоқлар. Бу баҳо бизга янги куч-қувват бағишлайди, бизларни руҳлантиради, партиявий иш услуб ва методларини ҳар томонлама такомиллаштиришга илҳомлантиради.

Ленинча иш услуби — партиявий раҳбарликнинг муваффақият қозонниши учун муҳим шартдир. Бу услуб конкретлиликни, оперативликни ва ишчанликни, абадий барҳаёт марксизм-ленинизмни моҳирона амалда қўлланишни, ўзига ва бошқаларга нисбатан юксак талабчанликни кўзда тутади. Бу услуб хотиржамликка берилишга йўл қўймайди, бюрократизм ва расмиятчиликнинг ҳар қандай кўринишларига зиддир.

КПСС Марказий Комитетининг, унинг ўртоқ Л. И. Брежнев бошлиқ Сиёсий бюросининг коллегиал фаолияти ҳаммамиз учун чинакам ленинча иш услубининг ғалабаскорлик ва донишмандлик, принципиаллик ва ишчанликнинг ёрқин намунаси бўлиб хизмат килади.

Биз КПСС Марказий Комитетининг партия XXV съездига Хисобот докладида баён этилган қонда ва хулосаларга амал қилиб партиявий ишнинг форма ва методларини қунт билан такомиллаштиришимиз, бу ишнинг ҳаёти, оператив ва энг кўп даражада самарали бўлишини таъминлашимиз зарур.

Партиямизнинг синалган қуроли — танкид ва ўз-ўзини танқид партия ички ҳаётининг ўзгармас ленинча принципи, камчиликларга қарши курашишнинг муҳим методи, кадрларни тўғри тарбиялаш воситасидир. Шунга эришиш керакки, у ёки бу ташкилот, у ёки бу ходим фаолиятининг ҳамма томонлари объектив ва принципиал баҳолансин. Барча партия ташкилотларининг вазифаси — танқид ва ўз-ўзини танқидни ҳамма даражада бундан буён ҳам ривожлантиришдан, масъуллиятсизликка, ман-манлиликка, хотиржамликка ва бепарволикка қарши курашнинг бу таъсирчан воситасидан тўлиқ фойдаланишдан иборат.

Қабул қилинган қарорларнинг ижросини контроль қилиш ва текшириш ташкилотчилик ишининг энг муҳим қисмидир. Ижроні контроль қилиш ва текширишнинг бутун системасини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, бу ишга гоят чуқур ва конкретлик билан ёндошиш, қабул қилинган қарорларнинг бажарилмай қолишига йўл қўймаслик керак.

Партиянинг кадрлар сиёсати қудратли восита бўлиб, партия шу восита орқали ижтимоий тараққиётнинг боришига таъсир ўтказади. Кадрлар билан ишлашда яхши натижалар ва катта муваффақиятларга эришаётганлигимизга қарамай, биз республикамизда ҳамма нарса ҳам силлиқ кетяпти, деб айтолмаймиз. Кадрлар танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялашда жиддий камчиликлар бўлди.

Ҳар бир коммунистга, айниқса раҳбарга нисбатан юксак талабчанлик — партия ташкилотлари кучи ва жанговарлигининг асосларидан биридир. Партия ва давлат интизомини бузаётган, ўзини нотўғри тутаётган кишиларга нисбатан қаттиқ талабчанлик кўрсатиш лозим. Ўз фаолиятига танқидий баҳо бера олмайдиган, оммадан ажралиб қолган, хушомадгўй ва лаганбардорларни кўпайтирадиган ва коммунистларнинг ишончидан маҳрум бўлиб қолган кишилар партиявий раҳбар бўлиши мумкин эмас.

Партия ташкилотлари кишиларнинг сиёсий, ишчанлик сифатларини ва шахсий хусусиятларини мунтазам ўрганиб боришлари, резерваларни собиткадамлик билан тайёрлаб боришлари, кадрлар билан ишлашда КПСС XXV съезди кўрсатмаларига оғишмай амал қилишлари лозим.

Съездда Совет жамияти сиёсий системасини, айниқса Советлар фаолиятини ривожлантиришнинг актуал масалалари, социалистик умумхалқ давлати ва демократиясини янада такомиллаштириш, совет жамиятининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, СССРнинг янги Конституцияси лойиҳаси устида иш олиб бориш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Советлар, халқ контроли органлари, касаба союзлари, комсомол ва бошқа жамоат ташкилотларининг ўзларига юклатилган вазифаларини ҳал этишдаги роли ва масъулиятини ҳар томонлама ошириш, уларнинг иши янада актив бўлиб қолишига, уларнинг ҳуқуқи ва масъулияти даражасига тўлиқ жавоб беришига эришиш керак.

Съезд қарорлари — янги зафарларга эришишнинг қудратли воситасидир, — дейди докладчи тамомларкан Ш. Р. Рашидов — Бу қарорлар бизга ягона тўғри йўлни — ҳақиқат йўлини, эркинлик йўлини, халқ бахт-саодати йўлини кўрсатиб турибди. Съезд қарорларини бажариш партия ташкилотларининг, барча коммунистларнинг шон-шараф ишидир.

Москваликларнинг даъватига мувофиқ Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 106 йиллиги шарафига шу йил 17 апрель куни Бутуниттифоқ коммунистик шанбалиги ўтказилади. «Қизил шанбалик» ҳамма жойда ёрқин меҳнат байрамига айланиши, одамларни ўнинчи беш йилликнинг муваффақиятли бошланишини таъминлашга, партия топшириқларини сўзсиз рўёбга чиқаришга сафарбар этиши учун зарур бўлган ҳамма ишларни қилиши керак.

Съезд иш олиб борган кунларда вужудга келган самимий кайфиятни, меҳнат шижоатини мустаҳкамлаш ва сақлаб қолиш керак. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети республика коммунистлари, барча меҳнаткашлари ўзларининг бутун кучларини, билим ва ғайратларини партия XXV съезднинг тарихий қарорларини, ўнинчи беш йиллик топшириқларини бажариш учун курашга сарфлайдилар, деб ишонч билдиради.

* * *

— КПСС XXV съезди, — деди Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари **М. М. Мусахонов** ўз нутқида, — совет мамлакатининг қаҳрамонона солномасига партиямиз Ленин идеаллариға содиқлигининг ёрқин намойиши бўлиб ёзилади.

Эришилган муваффақиятларни коммунистлар, бутун халқимиз ҳақли равишда КПСС Марказий Комитети, унинг Сиёсий бюроси, шахсан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг зўр ташкилотчилик ва сиёсий фаолияти билан боғлашмоқдалар.

Тошкент область партия ташкилоти съезд қарорларини баланд руҳ билан кутиб олди. Съезд қарорлари биз учун коммунистик қурилишдаги янги зафарларга эришишнинг қудратли омили бўлиб қолди.

Беш йилликнинг биринчи йилида саноат соҳасидаги планни муддатидан 10 кун илгари бажариш белгиланди.

Пойтахт областининг қишлоқ меҳнатчилари пахта, дон, сабзавот ҳамда деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотининг бошқа турларини етиштиришни бутун чоралар билан кўпайтириш йўлидаги курашни давом эттирмоқдалар

Область партия комитети саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги 1976 йилги планлар ва социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажариш ҳамда тарбиявий, ташкилотчилик ва пропагандистик ишларни яхшилаш юзасидан атрофлича тадбирларни ишлаб чиқди. Съезд материалларини ўрганиш ва пропаганда қилиш кишиларнинг ғоявий эътиқодини, сиёсий онглилигини мустаҳкамлашга, уларнинг ижтимоий ва меҳнат активлигини оширишга, ўнинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш учун социалистик мусобақани ривожлантиришга ёрдам беради.

Беш йиллиқни муваффақиятли бажариш учун курашда Самарқанд областининг меҳнаткашлари дастлабки муваффақиятли қадамларини қўйишди, — деди Самарқанд область партия комитетининг биринчи секретари **Б. Р. Раҳимов.** — Саноат пландан ташқари 10 миллион сўмликдан кўпроқ маҳсулот реализация қилди. Қурувчилар икки ойлик планни барвақт бажардилар. Қишлоқ меҳнатчилари ишни яхши суръат билан бошлаб юбордилар. Механизаторлар жамики экиш техникасини муваффақиятли ремонтдан чиқариб, шай қилиб қўйдилар.

Шу билан бирга ишларнинг аҳволини анализ қилганда областда ҳали кўпгина танг жойлар ва ҳал этилмаган проблемалар борлиги равшан бўлиб қолади. Партия XXV съезда ўнинчи беш йилликда саноат ишлаб чиқаришини ривожлантиришда ишлаб турган корхоналарни техника билан қайта қуроллантириш ва реконструкция қилишга алоҳида эътибор бериш лозимлиги таъкидлаб ўтилди. Шу омил ҳисобига областда маҳсулот ишлаб чиқаришни анча кўпайтириш мумкин. Кўпгина корхоналар — трикотаж ва пиллакашлик фабрикалари, Охунбобоев номли кўн заводи, «Красный двигатель» заводи ва бошқа корхоналар омилкорлик билан, нисбатан кўп маблағ сарфламай реконструкция қилиниши ва анча кўп юқори сифатли маҳсулот бериши мумкин. Бунинг учун тегишли ташкилотлар ишга жиддийроқ назар билан қарашлари зарур

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежневнинг Марказий Комитет номидан қилган Ҳисобот доклади ва съезд қабул қилган программ ҳужжатлар, — деб таъкидлади Андижон шаҳар партия комитетининг биринчи секретари **И. А. Ҳамидов,** — революцион таълимотнинг ҳаётбахш руҳи билан суғорилган. Ленин назарий тафаккурининг сўнмас нури билан ёритилган ҳужжатлардир.

Андижондаги ҳамма ташкилотчилик ва сиёсий ишлар ҳозир партия XXV съезди материалларини ўрганиш ва пропаганда қилишга, партия ташкилотларининг жанговарлигини оширишга, кадрларни топширилган иш учун юксак масъулият руҳида тарбиялашга бўйсундирилган. Бунинг учун пропаганда, оммавий-сиёсий ишнинг жамики синалган форма ва воситаларидан кенг фойдаланилмоқда.

Шаҳар партия ташкилоти КПСС XXV съезди қарорлари асосида илгор тажрибани умумлаштириб ва оммалаштириб, социалистик мусобақага раҳбарлик қилиш, унинг формаларини такомиллаштириш, ишлаб чиқариш илғорларининг иш методларини кенг жорий этиш, сифатни ошириш ва таннархни камайтириш, планлаштиришни ва қурилишни ташкил этишни такомиллаштириш зарур.

Қишлоқ хўжалигида ялпи пахта ҳосилини янада кўпайтириш бундан буён ҳам бош йўналиш деб ҳисоблансин. Шу асосий вазифани ҳал этиш билан бирга дон, гўшт, сут, сабзавот, мева ва бошқа турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни муттасил кўпайтиришни таъминлаш лозим. Хўжаликлараро кооперация ва аграр саноат интеграцияси негизида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва концентрациялашга алоҳида эътибор берилсин.

Партия, совет ва хўжалик органлари транспорт ва алоқани жадал ривожлантиришлари керак. Аҳолига савдо-сотиқ, коммунал-маиший ва медицина хизматини янада яхшилаш учун амалий чоралар кўрилсин.

Партия, совет ва хўжалик ташкилотларининг куч-ғайратлари ўнинчи беш йилликнинг биринчи йилидаёқ саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажмини 6 процент кўпайтиришни таъминлашга ва пландан ташқари 500 миллион сўмлик маҳсулот беришга, давлатга камида 5 миллион 300 минг тонна пахта топширишга, қишлоқ хўжалик маҳсулотининг бошқа турларини етиштиришни анча кўпайтиришга қаратилсин.

Актив йиғилиши коммунистларни, барча меҳнаткашларни шу йил 17 апрель куни коммунистик шанбалик ўтказиш ҳақида москваликлар ташаббусини қўллаб-қувватлашга чақиради. Бу шанбалик ёрқин меҳнат байрамига айланиши, КПСС XXV съезднинг тарихий қарорларини рўёбга чиқаришга кўмаклашиши лозим.

Янги вазифалар область, шаҳар ва район партия комитетларидан ўз фаолиятининг мазмуни, форма ва методларини бундан буён ҳам илмий асосда такомиллаштирishларини, кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялашни яхшилашларини, уларнинг топширилган иш учун масъулиятини ҳар томонлама оширишларини, танқид ва ўз-ўзини танқидни ривожлантиришларини, қабул этилган қарорларнинг ижросини назорат қилиш ва текширишни яхшилашларини, бошланғич партия ташкилотларининг жанговарлик қобилиятини оширишларини талаб қилади.

Одамларни ғоявий тарбиялаш масалалари, коммунизмнинг муносиб бинокори бўлган янги инсонни камол топтириш проблемалари партия комитетларининг диққат марказида туриши керак. Тарбиявий ишга комплекс ёндашишни, ғоявий-сиёсий, меҳнат ва ахлоқий тарбияни аҳолининг турли гуруҳлари хусусиятларини ҳисобга олиб, бир-бири билан маҳкам боғлаб олиб боришни таъминлаш муҳимдир. Меҳнаткашларни СССР халқлари дўстлиги, совет ватанпарварлиги ва социалистик интернационализм руҳида тарбиялаш ишини бундан буён ҳам яхшилаш зарур, ленинча миллий сиёсатнинг тантанаси, социалистик миллатларнинг ривожланиши ва яқинлашиш қонуниятлари атрофлича очиб берилсин, Ватанимиз халқларининг ҳар бир республика экономикаси ва маданиятини ривожлантиришдаги умумий куч-ғайратларининг аҳамияти чуқур кўрсатиб берилсин. Пропаганда ва агитациянинг ҳамма воситаларидан фойдаланиб, меҳнаткашлар учун, социализм ва тинчлик иши учун ёт бўлган маоизмнинг ёлғон идеологиясини фош қилиш кучайтирилсин.

Партия комитетлари илмий-тадқиқот институтлари, ўқув юртлари, маданий-оқартув муассасаларидаги партия ташкилотларига раҳбарлик савиясини оширишлари зарур. Илмий тадқиқотларни фан-техника тараққиётининг ва фундаментал фанларни ривожлантиришнинг энг муҳим проблемаларига қаратиш, фан билан ишлаб чиқаришни ҳар томонлама бирлаштириш йўлини изчиллик билан ўтказишга ҳаракат қилинсин. Фан, адабиёт ва санъат ходимлари ўз меҳнати учун жамият олдида юксак масъулият руҳида тарбиялансин.

Партия ташкилотлари меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советларига, касаба союзларига, комсомол ва бошқа жамоат ташкилотларига раҳбарликни яхшилашлари, КПСС XXV съезди талаблари асосида уларнинг фаолиятини янада активлаштиришга эришишлари лозим.

Актив йиғилиши республика коммунистлари, барча меҳнаткашлари жонажон партия XXV съезднинг улуғвор режаларини муваффақиятли равишда амалга ошириш учун, коммунизм иши учун янада зўр ғайрат ва қатъият билан курашаберадилар, деб КПСС ленинча Марказий Комитетини, унинг Сиёсий бюросини, шахсан партиямиз Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневни ишонтиради.

(ЎзТАГ).

„КПСС XXV СЪЕЗДИНИНГ ЯКУНЛАРИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ ТЎҒРИСИДА“ РЕСПУБЛИКА ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ АКТИВИ ЙИҒИЛИШИНИНГ

РЕЗОЛЮЦИЯСИ

Республика партия активининг йиғилиши КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидовнинг «КПСС XXV съезднинг якунлари ва Ўзбекистон партия ташкилотининг вазифалари тўғрисида»ги докладини тинглаб ва муҳокама қилиб, КПСС XXV съезди жаҳоншумул-тарихий аҳамиятга молик воқеа бўлганлигини зўр мамнуният билан таъкидлайди. Бу съезд Ленин партиясининг қаҳрамонона солномасига, бутун жаҳон коммунистик ҳаракати тарихига ёрқин саҳифа бўлиб киради.

Шонли Ленин партиясининг олий анжуманида 96 мамлакатдан келган коммунистик ва ишчи, миллий-демократик ва социалистик партияларнинг вакиллари иштирок этдилар. Бу анжуман дунё коммунистларининг, барча революцион кучларининг бирлиги мустаҳкамланиб бораётганлигини, улар КПССнинг халқаро коммунистик ҳаракатдаги, пролетар интернационализмини мустаҳкамлаш учун, халқлар тинчлиги ва озодлиги учун, социал тараққиёт учун курашдаги принципиал марксча-ленинча йўлини маъқуллаётганликларини намойиш қилди.

Барча совет кишилари каби Ўзбекистон коммунистлари, меҳнаткашлари ҳам партиямиз Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг КПСС Марказий Комитети номидан қилган Ҳисобот докладини зўр ғайрат-шижоат ва мамнуният билан кутиб олдилар. Бу доклад — ижодий марксизм-ленинизмнинг улуғвор ҳужжатидир, илмий коммунизм назарияси ва практикасини ривожлантиришга қўшилган янги катта ҳиссадир. Унда халқаро вазият ва жаҳон революцион жараёни атрофлича анализ қилинди, партиянинг ўтган беш йилликдаги кўп қиррали фаолиятига якун ясалди, коммунистик қурилишнинг актуал проблемалари юзасидан муҳим назарий умумлашмалар ва хулосалар чиқарилди, келажакдаги иқтисодий ва социал-сиёсатнинг стратегик плани ва тактикаси ишлаб чиқилди.

Республика коммунистлари, барча меҳнаткашлари номидан йиғилиш КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг ички ва ташқи сиёсатда партиямиз ленинча йўлини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга қўшаётган жуда катта ҳиссасини юксак баҳолайди. Содиқ ленинчи, коммунизм идеалларининг тантанаси учун синалган қурашчи, тинчликнинг толмас жарчиси Леонид Ильич Брежневнинг номи инсониятнинг яхши келажаги учун курашда ер юзи коммунистларининг тараққийпарвар кучларнинг байроғи бўлиб қолди. Мамлакатимизда кейинги йилларда амалга оширилган барча улуғвор ўзгартишлар, жаҳон майдонидаги туб бурилишлар унинг номи билан боғланган.

XXV съезд халқаро майдонда КПСС Тинчлик программасининг узвий давоми ва ривожи бўлган янги вазифаларни ўртага қўйди. Тинчлик ва халқаро ҳамкорлик учун, халқлар озодлиги ва мустакиллиги учун бундан бўёнги кураш мақсадлари белгиланди. Съездда «Империализм ва реакция тутқинларига озодлик!» деган баёнот якдиллик билан қабул қилинди.

КПСС XXV съезди ривожланган социалистик жамият шароитида партия иқтисодий сиёсатининг келгуси беш йилликка ва анча олис истиқболга мўлжалланган принципиал йўл-йўриқларини конкретлаштирди ва ривожлантирди. «1976—1980 йилларда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари» кўриб чиқилиб, тасдиқланди. Ижтимоий ишлаб чиқаришни узлуксиз ва пропорционал ривожлантириш ҳамда унинг самарадорлигини ошириш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, меҳнат унумдорлигини ўстириш, халқ хўжалигининг ҳамма бўғинларида иш сифатини ҳар томонлама яхшилаш асосида халқ турмушининг моддий ва маданий даражасини муттасил юксалтиришнинг улуғвор ва реалистик программаси белгиланди.

Съезд марксизм-ленинизм ҳаётбахш ғояларининг кучини, партиямизнинг метиндек бирлигини, совет кишиларининг ўз авангарди — Совет Иттифоқи Коммунистик партияси теварагида маҳкам жипслашганлигини яққол намойиш қилди.

Республика партия ташкилоти активининг йиғилиши КПСС XXV съезди қарорларини тўла-тўкис маъқуллайди ҳамда уларни муттасил бажариш учун дастур деб қабул қилади. Йиғилиш Ўзбекистон коммунистлари, барча меҳнаткашлари номидан КПСС Марказий Комитетининг, замонамизнинг атоқли сиёсий арбоби, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги Сиёсий бюронинг сиёсий йўли ва амалий фаолиятини якдиллик билан маъқуллайди.

Республика партия ташкилотлари ўз ишларида ўртоқ Л. И. Брежневнинг КПСС Марказий Комитети номидан қилган Ҳисобот докладида баён этилган қоидалар ва вазифаларга амал қилиб, ўзларининг бутун кучларини экономика ва маданиятни ривожлантиришга, партиявий раҳбарлик савиясини, меҳнаткашларни коммунистик руҳ тарбиялашни кучайтиришга, омма орасидаги ташкилотчилик ва сиёсий ишни яхшилашга қаратишлари лозим.

Ҳозирги вақтда КПСС XXV съезди қарорларини батафсил тушунтириш ва кенг пропаганда қилиш, бу қарорларнинг амалга оширилиши учун сабот билан кураш олиб бориш партия ташкилотларининг энг муҳим вазифасидир. Меҳнаткашларнинг съезд туфайли юзага келган меҳнат ғайрати ва сиёсий активлигини мустаҳкамлаш. 1976 йил ва бутун беш йиллик планни муддатидан илгари бажариш учун бошланган социалистик мусобақани ҳар томонлама авж олдириш зарур. Республика илғорлари ва новаторларининг ўнинчи беш йилликда икки беш йиллик планни бажариш йўлидаги ташаббусини ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш лозим.

Вазифа ҳар бир корхонада меҳнат унумдорлигини ва ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун, фан ва илғор тажриба ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш, фондлардан, ички резервлардан тўла-тўкис ва рационал фойдаланиш, маҳсулот сифатини яхшилаш, иқтисодий тежашни кучайтириш, давлат, план ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш учун актив кураш олиб боришдан иборат. Халқ истеъмол қиладиган моллари қўпайтириш ва сифатини яхшилаш тўғрисида алоҳида ғамхўрлик қилиниши керак.

Капитал маблағ самарадорлигини ошириш — партия ташкилотлари ва хўжалик раҳбарларининг муҳим бурчидир. Объектларни қуриш муддатларини қисқартириш, лойиҳада белгиланган қувватларни тезроқ ўзлаштириш, меҳнатнинг индустриал методларини кенг жорий этиш, сифатни ошириш ва таннархни камайтириш, планлаштиришни ва қурилишни ташкил этишни такомиллаштириш зарур.

Қишлоқ хўжалигида ялпи пахта ҳосилини янада кўпайтириш бундан буён ҳам бош йўналиш деб ҳисоблансин. Шу асосий вазифани ҳал этиш билан бирга дон, гўшт, сут, сабзавот, мева ва бошқа турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни муттасил кўпайтиришни таъминлаш лозим. Хўжаликлараро кооперация ва аграр саноат интеграцияси негизида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва концентрациялашга алоҳида эътибор берилсин.

Партия, совет ва хўжалик органлари транспорт ва алоқани жадал ривожлантиришлари керак. Аҳолига савдо-сотиқ, коммунал-маиший ва медицина хизматини янада яхшилаш учун амалий чоралар кўрилсин.

Партия, совет ва хўжалик ташкилотларининг куч-ғайратлари ўнинчи беш йилликнинг биринчи йилидаёқ саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажмини 6 процент кўпайтиришни таъминлашга ва пландан ташқари 500 миллион сўмлик маҳсулот беришга, давлатга камида 5 миллион 300 минг тонна пахта топширишга, қишлоқ хўжалик маҳсулотининг бошқа турларини етиштиришни анча кўпайтиришга қаратилсин.

Актив йиғилиши коммунистларни, барча меҳнаткашларни шу йил 17 апрель куни коммунистик шанбалик ўтказиш ҳақида москваликлар ташаббусини қўллаб-қувватлашга чақиради. Бу шанбалик ёрқин меҳнат байрамига айланиши, КПСС XXV съезднинг тарихий қарорларини рўёбга чиқаришга кўмаклашиши лозим.

Янги вазифалар область, шаҳар ва район партия комитетларидан ўз фаолиятининг мазмуни, форма ва методларини бундан буён ҳам илмий асосда такомиллаштиришларини, кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялашни яхшилашларини, уларнинг топширилган иш учун масъулиятини ҳар томонлама оширишларини, танқид ва ўз-ўзини танқидни ривожлантиришларини, қабул этилган қарорларнинг ижросини назорат қилиш ва текширишни яхшилашларини, бошланғич партия ташкилотларининг жанговарлик қобилиятини оширишларини талаб қилади.

Одамларни ғоявий тарбиялаш масалалари, коммунизмнинг муносиб бинокори бўлган янги инсонни камол топтириш проблемалари партия комитетларининг диққат марказида туриши керак. Тарбиявий ишга комплекс ёндашишни, ғоявий-сиёсий, меҳнат ва ахлоқий тарбияни аҳолининг турли гуруҳлари хусусиятларини ҳисобга олиб, бир-бири билан маҳкам боғлаб олиб боришни таъминлаш муҳимдир. Меҳнаткашларни СССР халқлари дўстлиги, совет ватанпарварлиги ва социалистик интернационализм руҳида тарбиялаш ишини бундан буён ҳам яхшилаш зарур, ленинча миллий сиёсатнинг тантанаси, социалистик миллатларнинг ривожланиши ва яқинлашиш қонуниятлари атрофлича очиб берилсин, Ватанимиз халқларининг ҳар бир республика экономикаси ва маданиятини ривожлантиришдаги умумий куч-ғайратларининг аҳамияти чуқур кўрсатиб берилсин. Пропаганда ва агитациянинг ҳамма воситаларидан фойдаланиб, меҳнаткашлар учун, социализм ва тинчлик иши учун ёт бўлган маоизмнинг ёлғон идеологиясини фош қилиш кучайтирилсин.

Партия комитетлари илмий-тадқиқот институтлари, ўқув юртлари, маданий-оқартув муассасаларидаги партия ташкилотларига раҳбарлик савиясини оширишлари зарур. Илмий тадқиқотларни фан-техника тараққиётининг ва фундаментал фанларни ривожлантиришнинг энг муҳим проблемаларига қаратиш, фан билан ишлаб чиқаришни ҳар томонлама бирлаштириш йўлини изчиллик билан ўтказишга ҳаракат қилинсин. Фан, адабиёт ва санъат ходимлари ўз меҳнати учун жамият олдида юксак масъулият руҳида тарбиялансин.

Партия ташкилотлари меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советларига, касаба союзларига, комсомол ва бошқа жамоат ташкилотларига раҳбарликни яхшилашлари, КПСС XXV съезди талаблари асосида уларнинг фаолиятини янада активлаштиришга эришишлари лозим.

Актив йиғилиши республика коммунистлари, барча меҳнаткашлари жонажон партия XXV съезднинг улуғвор режаларини муваффақиятли равишда амалга ошириш учун, коммунизм иши учун янада зўр ғайрат ва қатъият билан курашаберадилар, деб КПСС ленинча Марказий Комитетини, унинг Сиёсий бюросини, шахсан партиямиз Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневни ишонтиради.

СЪЕЗД БЕЛГИЛАБ БЕРГАН ЙЎЛДАН

ВИЛЬНЮС. 18 март куни Литва пойтахтида бўлиб ўтган партия активи йиғилишида КПСС XXV съездининг якунлари ва республика партия ташкилотининг вазифалари муҳокама қилинди.

Литва Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари П. П. Гришкявичус доклад қилди. У республика коммунистлари, барча меҳнаткашлари жамиятимизни янада ривожлантиришнинг КПСС XXV съезди қарорларида тасдиқланган программасини баланд руҳ билан кутиб олганликларини таъкидлаб ўтди.

П. П. Гришкявичус Литва партия ташкилоти олдида турган вазифаларга тўхталиб, 1976—1980 йилларда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишларида республика учун белгиланган кўрсаткичларга муддатидан илгари эришиш ва бу кўрсаткичлардан ўзиб кетиш учун ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг, фан-техника тараққиётини жадаллаштиришнинг, меҳнат унумдорлигини ўстиришнинг, халқ хўжалигининг ҳамма бўғинларида сифат кўрсаткичларини яхшилашнинг муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади.

Йиғилишда сўзга чиққан нотиқлар Литва коммунистларининг, барча меҳнаткашларининг ягона иродасини ифодалаб, КПСС Марказий Комитетининг, ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги Марказий Комитет Сиёсий бюросининг сиёсий йўли ва амалий фаолиятини маъқулладилар. КПСС XXV съезди қарорларига оғишмай амал қилиш ва ижро этиш учун қабул қилдилар.

ФРУНЗЕ. Бугун бу ерда республика партия активининг йиғилиши бўлди. КПСС XXV съездининг якунлари ва республика партия ташкилотининг вазифалари тўғрисида Қирғизистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Т. У. Усубалиев доклад қилди. Докладчи ва сўзга чиққан нотиқлар КПСС Марказий Комитетининг, ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг сиёсий йўли ва амалий фаолиятини қизғин маъқулладилар.

Йиғилишда қуйидагилар таъкидланди: ўнинчи беш йиллик мобайнида республикада саноат ишлаб чиқаришининг ҳажми 33—37 процент кўпаяди, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш 12—15 процент ортади. Саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини техника билан қайта қуроллантириш ва интенсивлаш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ва иш сифатини ошириш учун кураш беш йилликнинг асосий йўли бўлади.

Партия активи йиғилиши республика коммунистлари, барча меҳнаткашлари КПСС XXV съездининг тарихий қарорларини амалга ошириш йўлида ҳормай-толмай меҳнат қиладилар, коммунистик қурилиш ишига муносиб ҳисса қўшадилар, деб КПСС Марказий Комитетини, унинг Сиёсий бюросини ва КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневни ишонтирдилар.

ДУШАНБА. Мамлакатни иқтисодий ва социал-сиёсий ривожлантиришнинг КПСС XXV съезди ишлаб чиққан программаси Тожикистон меҳнаткашларининг сиёсий активлиги ва меҳнат ғайратини янада ошириб юборди. Республика партия ташкилоти активининг бугун бўлиб ўтган йиғилишида ана шулар таъкидлаб ўтилди.

Йиғилишда КПСС XXV съездининг якунлари ва республика партия ташкилотининг вазифалари тўғрисида Тожикистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ж. Расулов доклад қилди.

Йиғилиш қатнашчилари республика халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, техника тараққиётини жадаллаштириш масалаларига катта эътибор бердилар.

Жанубий Тожикистон территориал-ишлаб чиқариш комплексининг энг йирик корхоналарини қуришнинг белгиланган суръатларини таъминлашга қаратилган конкрет тадбирлар белгиланди. 900 минг тонна пахта етиштириш юзасидан 1980 йил учун белгиланган маррага беш йиллик бошидаёқ эришиш имконияти асосланди.

Республика партия активи йиғилиши КПСС XXV съезди қарорларини тўла-тўкис маъқуллаб, оғишмай амал қилиш ва ижро этиш учун қабул қилди.

ТАЛЛИН. Республика партия активининг бугун бўлиб ўтган йиғилишида Эстония Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Г. Кэбин «КПСС XXV съездининг якунлари ва республика партия ташкилотининг вазифалари» тўғрисида доклад қилди.

Ўнинчи беш йиллик план, деб таъкидлашди йиғилиш қатнашчилари, Советлар мамлакатидаги барча республикаларнинг экономикасини ўйғун ривожлантириш программасидир. Бутун мамлакат доирасида қарор топган ягона хўжалик организми СССР халқлари дўстлиги ва ҳамкорлигининг мустаҳкам моддий негизидир.

Қабул қилинган резолюцияда бундай дейилади: коммунистлар КПСС XXV съезди қарорларини маъқуллаб, оғишмай ижро этиш учун қабул қиладилар. СССРни иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш, халқаро майдонда унинг позицияларини мустаҳкамлаш соҳасида эришилган муваффақиятларда партиямизнинг жанговар штаби — КПССнинг ленинчи Марказий Комитети, партиянинг атоқли арбоби, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги Марказий Комитет Сиёсий бюросининг хизмати жуда каттадир.

Совет Эстониясининг коммунистлари, барча меҳнаткашлари ўзларининг бутун куч, билим ва тажрибасини ўнинчи беш йиллик планларини муваффақиятли равишда бажариш учун, мамлакатимизда коммунистик қурилишнинг улуғвор программасини амалга ошириш учун курашга бағишлайдилар, деб йиғилиш қатнашчиларини ишонтирдилар.

* * *

Республика партия ташкилотлари активлари йиғилишларининг қатнашчилари КПСС Марказий Комитетига КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневга якдиллик билан табрикномалар қабул қилдилар. (ТАСС).

Реклама ва эълонлар

Телевидение

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 10.00 МОСКВА. 16.00 — ТОШКЕНТ. 16.05 — Кувноқлар даврасида. 16.35 — Мультфильмлар. 17.00 — МОСКВА. **Хоккей.** 19.15 — ТОШКЕНТ. 19.30 — Халқаро шарҳловчилар даврасида. 20.00 — **Орзиқиб кутилган** (телеспектакль) 21.00 — **«Ахборот».** 21.20 — Ота-оналар университети. 22.00 — МОСКВА. **«Вақт».** 22.30 — **Футбол:** СССР — Аргентина. **ИККИНЧИ ПРОГРАММА.** 10.05 — ТОШКЕНТ. 10.10 — Янгиликлар 10.20 — Концерт. 10.50 — **Экран хандаси.** 11.30 — Ўқув кўрсатуви. 16.00 — МОСКВА. **Ҳайвонот оламида.** 17.00 — Мультфильм. 17.20 — Ўқув кўрсатуви. 19.15 — Янгиликлар. 19.30—Цирк майдонида. 20.20 — Киноочерк. 20.35 — **Ҳовли тўйи** (қўғирчоқ театр спектакли). 22.00 — ТОШКЕНТ. 22.30 — Бадиий фильм. **УЧИНЧИ ПРОГРАММА.** 9.55 — ДУШАНБА.

Театр

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 20/III да **Комиссия,** 21/III да **Кўрмайин босдим тиконни.**

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ДРАМА ТЕАТРИДА — 20/III да **Кўнгли ёш қариялар,** 21/III да **Комедия, комедия, ёхуд ҳангома.** 22/III да **Хотиннинг эри.**

Кино

Саҳро ва чангалзорларда — «ЧАПКА» (10.30, 13.15, 16.00, 18.45, 21.15), «ҚОЗОҒИСТОН» (11.00, 2.00, 14.00, 17.00, 20.00, 21.00), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), «ВОСТОК» (10.00, 13.00, 16.00, 18.30, 21.15), «ДРУЖБА» (11.00, 14.00, 15.00, 17.00, 18.00, 20.00), «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (12.00, 15.00, 18.00, 21.00).

Қисқа муддатли отпуск — «ДРУЖБА» (11.50, 13.20, 21.00), «НУКУС» (11.00 13.00, 15.00, 17.00, 19.00, 20.45).

Она табассуми — «ЎЗБЕКИСТОН» (жуфт соатларда).

Маккеннининг олтинлари — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

Очиқ ўзликка қарши маккорлик — «ҚОЗОҒИСТОН» (15.00, 18.00).

Ҳамраз — НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

●

«БАҲОР» КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

21 МАРТ КЕЧ СОАТ 7 ДА

Бутуниттифоқ Октябрь 40 йиллиги ва бадиий коллективлар кўрриги лауреати

«ШОДЛИК» АНСАМБЛИНИНГ

КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар ВИЛОЯТ ОҚИЛОВА, ДИЛАФРУЗ ЖАББОРОВА;

Узбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати ДИЛБАР ФАЁЗОВА;

Хушовоз хонанда ШЕРАЛИ ЖУРАЕВ ва бошқалар.

Ансамблнинг бадиий раҳбари МИРСОДИҚ ТОЖИЕВ.

Программани Утқир СИДДИҚОВ олиб боради.

Билетлар «БАҲОР» ва СВЕРДЛОВ номли концерт зали кассаларида кундуз соат 2 дан сотилмоқда.

●

Узбекистон ССР Фанлар академиясининг

БИОХИМИЯ ИНСТИТУТИ

лабораториялар бўйича ВАКАНТ ВАЗИФАЛАРГА

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

мудир: биофизика (фан доктори);

ничик илмий ходимлар: нуклеин кислоталар, биологик мембраналарни структурали ташкил этиш.

КОНКУРС МУДДАТИ — 17 АПРЕЛГАЧА.

Мурожаат учун адрес: 700125, Тошкент шаҳар, М. Горький проспекти, 56-уй.

●

МАРКАЗИЙ «ПАХТАКОР» СТАДИОНИДА

21 март соат 17.00 да

СССР КУБОГИ УЧУН

«ДИНАМО» (Махачқалъа) — «ПАХТАКОР» (Тошкент) командалари ўртасида

ФУТБОЛ

КАСАБА СОЮЗЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ ЖАНГОВАР ПРОГРАММАСИ

18 март куни Союзлар уйининг Колонна залида ВЦСПСнинг пленуми бўлиб ўтди. Пленумда КПСС XXV съезди якунлари ва касаба союзларининг вазифалари муҳокама қилинди. Пленум ишида КПСС Марказий Комитетининг масъул ходимлари, министрлар, Марказий ташкилотлар ва идораларнинг раҳбарлари қатнашдилар. ВЦСПС секретари В. И. Прохоров доклад қилди.

КПССнинг бўлиб ўтган XXV съезди,—деди у,—совет халқи амалга ошираётган революцион — бунёдкорлик ишларининг улкан ҳажми ва миқёсини яққол намойиш қилди. Совет касаба союзлари, барча меҳнаткашлар съезд қарорларини, партия анжуманида КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг докладини баланд руҳ билан кутиб олдилар.

Съезд бундан кейинги иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш программасини ишлаб чиқиб, касаба союзларининг роли ҳамда вазифаларини белгилаб берди, барча ишлар уларнинг ҳуқуқларига ва масъулияти даражасига тўлароқ мувофиқ бўлиши кераклигини уқтириб ўтди.

Самарадорлик ва сифат беш йиллиги бўлган ўнинчи беш йиллик ҳар бир совет киши, ҳар бир меҳнат коллективининг ўз корхонаси, қурилиши, колхози, совхозида ишларнинг сифат кўрсаткичларини яхшилаш тўғрисида чинакам ғамхўрлик қилиши, хўжалигимизнинг барча бўғинларида, ҳар бир иш ўрнида сифатнинг оширилишига тинмай эришиш зарурлигини билдиради.

Ҳозирги вақтда съездда юксак баҳоланган кўпгина ватанпарварлик ташаббуслари тобора кенг ёйилмоқда. Владимир Ильич номидаги Москва электромеханика заводида бригада бошлиқлари Н. Метелкин, И. Амосов, Н. Кузнецовнинг «Сифат беш йиллигига — ишчилар кафолати» шиори остидаги ташаббуси; енгил саноатнинг илғор ишчиларидан А. Смирнова, Т. Чистякова, В. Коломиецларнинг икки шахсий беш йиллик топшириқларини бажариш мажбуриятини олиб бошлаб берган ташаббуси; Ленинградда бошланган «Ҳар бир кишининг юксак сифатли ишлашидан бутун коллектив меҳнатининг юксак самарадорлигига эришайлик» деган ҳаракат ва бошқалар бунга мисол бўла олади.

Москвадаги илғор корхоналарнинг ватанпарварлик ташаббусини меҳнаткашлар қизғин кутиб олдилар. Улар В. И. Ленин туғилган кунни нишонлаш юзасидан 17 апрелда коммунистик шанбалик ўтказишга қарор қилдилар.

Тўққизинчи беш йиллик даврида социалистик мусобақада эришилган барча қимматли, илғор нарсаларни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, меҳнаткашларнинг ўнинчи беш йиллик план топшириқларини муддатидан илгари бажариш йўлидаги ташаббусини ҳамма чоралар билан қўллаб-қувватлаш барча касаба союзларининг вазифасидир, деб таъкидлади докладчи.

Шундан кейин докладчи ишлаб никаришни бошқаришда ва кишиларни тарбиялашда, маиший, ва социал масалаларни ҳал этишда касаба союз ташкилотларининг, меҳнаткашлар коллективларининг ролини ошириш зарурлиги тўғрисида гапирди. Тинчлик ва халқаро ҳамкорлик учун, ишчилар ҳаракатининг бирлигини мустаҳкамлаш учун съезд белгилаб берган бундан кейинги кураш программасини амалга оширишда совет касаба союзларининг муҳим роль ўйнаши кераклиги уқтириб ўтилди.

Музокараларда қатнашган пленум иштирокчилари партия XXV съезди меҳнаткашларнинг сиёсий активлигини ва меҳнатдаги ғайратини ғоят кучайтирганлигини айтдилар. Нотиқлар касаба союзларининг ишини янада яхшилаш борасида конкрет таклифлар киритдилар.

ВЦСПС пленуми партия XXV съездининг қарорларини, ўртоқ Л. И. Брежневнинг съездда қилган докладида белгиланган коидалар ва вазифаларни тўла-тўкис маъқуллаб, оғишмай амал қилиш ва ижро этиш учун қабул қилди.

Пленум якдиллик билан қабул қилган қарорида КПСС XXV съезди қарорларини, мамлакат халқ хўжалигини ривожлантириш ўнинчи беш йиллик плани вазифаларини муваффақиятли бажариш учун ишчилар, колхозчилар, зиёлиларнинг, ҳар бир касаба союз аъзосининг бутун кучи, ижодий ғайратини сафарбар қилиш касаба союзлари фаолиятининг жанговар программаси эканлиги таъкидланади.

ВЦСПС пленуми 107 миллион кишидан иборат касаба союз аъзолари номидан КПСС ленинчи Марказий Комитетини ишонтириб айтдики, мамлакатимиз меҳнаткашлари, совет касаба союзлари коммунистик қурилишнинг съезд белгилаб берган улуғвор программасини муваффақиятли бажаришга бутун кучини бағишлайдилар.

Пленум иштирокчилари КПСС Марказий Комитетига, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневга баланд руҳ билан табрикнома қабул қилдилар. (ТАСС).

ВЦСПС ПЛЕНУМИ

ЧЕТ ЭЛЛАРДА

БУГУН — ТУНИС МУСТАҚИЛЛИГИ КУНИ

ЙИГИРМАНЧИ БАҲОР

Қадимий маданият ўчоқларидан бири бўлган Тунис бугун мустақилликка эришган кунининг 20 йиллигини нишонлаяпти. Географик жиҳатдан қулай шароитга эга бўлган Тунис минг йиллар давомида турли мамлакатларнинг Шимолий Африкада ҳукмронлик қилиш учун кураш майдони бўлиб келди. Дастлаб Тунисни финикийлар эгаллашди ва машҳур Карфагенни тиклашди. Кейин бу ерни римликлар босиб олиб шаҳарни вайрон қилишди. Сўнгра мамлакатни вандаллар, византияликлар, араблар, испанлар, турклар босиб олишди. 1881 йилда эса Тунисни француз мустамлакачилари эгаллашди.

Тунис халкининг мустамлакачиларга қарши кураши узоқ давом этди. Ниҳоят, 1956 йилнинг 20 мартида Тунисга мустақиллик берилганлиги тўғрисида Парижда битим имзоланди. Тунис халқи ўтган 20 йил давомида мураккаб социал-иқтисодий проблемаларни ҳал қилиш учун тинимсиз кураш олиб борди. Соғлиқни сақлаш, маориф, уй-жой қурилиши соҳасида катта ютуқларга эришилди. Аҳоли камбағал қисмининг турмуш шароити анча яхшиланди. Бошланғич таълим барча учун текин бўлди. Ўқувчилар сони 1956 йилдагига нисбатан саккиз баробар кўпайди. Ҳозирги пайтда араб тили фақат бошланғич синфлардагина эмас, юқори синфларда ҳам тўла ўтила бошланди. Миллий экономикада малакали кадрлар етишмаётгани туфайли касб-ҳунар ўргатишга алоҳида эътибор бериляпти. Махсус декрет билан хотин-қизлар эркаклар ҳуқуқига тенглаштирилди. Лекин ўқитувчилар, врачлар, синфхоналар ҳали ҳам етишмаётир. Ўтган 20 йил ичида мамлакат миллий экономикаси анча ривожланди. Нефть қазиб чиқарувчи, нефтни қайта ишловчи металлургия саноати барпо этилди. Янги маҳсулот ишлаб чиқариш кўпайди. Ҳар йили карийб 40 минг киши иш билан таъминланяпти. Шунга қарамай, ҳар йили минглаб тунисликлар иш излаб чет элларга чиқиб кетмоқдалар. Чунки иш билан тўла таъминлаш масаласи ҳали ҳал этилганича йўқ.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, Ғарбий Европа мамлакатлари ва АҚШда юз бераётган иқтисодий танглик, нарх-навонинг ўсиши ва инфляция бу мамлакатлар билан анъанавий алоқага эга бўлган Тунис экономикасига ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда. Ҳозирги пайтда Тунис экспортининг асосий моллари ҳисобланган зайтун ёғи, фосфатлар, цитрус мевалар, вино капиталистик дунё бозорида ўтмай колди. Бу эса Тунис республикаси олдига кўшимча проблемаларни кўндаланг қилиб кўйди. Ана шу проблемаларни ҳал қилиш учун Тунис Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар билан дўстона алоқаларни ва ҳамкорликни кенгайтириш йўлидан бормоқда.

Бугунги кунда Тунисда меҳнат қилаётган ўнлаб совет мутахассисларини учратиш мумкин. Улар Тунис шаҳридаги инженерлик мактабида ёш республика учун миллий кадрлар тайёрламоқдалар, Кеф шаҳридаги вилоят касалхонасида беморларни даволяптилар. Сўнгги йилларда Совет—Тунис савдо алоқалари ва маданий ҳамкорлиги ҳам ривожланиб бормоқда. Тунис республикаси ўз мустақиллигининг йигирманчи баҳорини янги проблемалар ва янги муваффақиятлар билан кутиб олмоқда.

И. МЯКИШЕВ, (ТАСС).

ХИТОЙДА ИЧКИ СИЁСИЙ КУРАШ

ПЕКИН, 18 март. (ТАСС). Хитой матбуотида маочилар партиясида расмий равишда «ички йўлнинг бир-бирига қарши кураши» деб аталган кескин кураш давом этаётганлигини очиқдан-очиқ эътироф қилувчи катта-катта материаллар кун сайин эълон қилинмоқда. «Жэньминь жибао» ва «Гуанмин жибао» газеталари «Партияда ҳокимият тепасида турган ва капиталистик йўлдан бораётган шахслар»га нисбатан кескин ҳужум қилмоқда. «Ўнг оғмачиларнинг тузалишни қайсарлик билан истамаётган бошлиғи» устига айниқса оғир айблар қўйилмоқда. Очиқ матбуотда ҳозирча бу кишининг номи тилга олинаётгани йўқ.

Айни вақтда сон-саноқсиз дацзибаоларда бу айбдорлар номма-ном санаб ўтилмоқда. Давлат Кенгаши бош министрининг ўринбосари Дэн Сяо-Пингнинг эмас, балки у билан бирга бош министрнинг яна бир ўринбосари Ли Сяньнянь, шунингдек мудофаа министри Е. Цзянь-ин, маориф министри Чжоу Жун-синь, маочилар партияси вилоят комитетларининг биринчи секретарлари Ляо Чжи-Гао, Чжао Цзи-ян, Чжан Пин-хуанинг, бошқа кўпгина арбобларнинг номлари ҳам кўрсатиб ўтилмоқда.

Шундай қилиб, энди гап «маданий революция ғалабаларини мустаҳкамлаш» тўғрисидаги чақириқлар билан ниқобланаётган Пекин раҳбарлигида кризис тобора чуқурлашаётганлиги тўғрисида бормоқда.

«ЗАНГОРИ ЭКРАН»ДА

22 МАРТ, ДУШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 10.00 — МОСКВА. 10.10 — Гимнастика. 10.30 — Мультфильм. 10.50 — **Ҳайвонот оламида.** 11.50 — **Киносаёҳатчилар клуби.** 12.50 — Спорт программаси. 15.55 — Телефильм. 16.15 — Сиз яратган бог. 16.45 — **Тарас Шевченко** (бадиий фильм). 18.35 — ТОШКЕНТ. 18.40 — «Советский воин». 19.15 — Социалистик мусобақа кундалиги (Москва). 20.00 — **«Ахборот».** 20.15 — Ўн минут музика. 20.25 — Қишлоқ хўжалик билимлари телевизион халқ университети. 21.00 — **«Ахборот».** 21.20 — **Наврўз байрами.** 22.00 — **«Вақт».** 22.30 — **Наврўз байрами** (давоми). **ИККИНЧИ ПРОГРАММА.** 17.35— ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатуви. 18.35 — МОСКВА. 19.00 — Янгиликлар. 19.15 — ТОШКЕНТ. 19.45 — Телефильм. 20.00 — МОСКВА. 20.35 — **Достигаев ва бошқалар** (фильм-спектакль). 22.00 — Ҳужжатли фильмлар. 22.30 — Фильм-спектаклнинг давоми. 23.25 — Спорт программаси. **УЧИНЧИ ПРОГРАММА.** 16.45 — ДУШАНБА.

23 МАРТ, СЕШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 10.00 — МОСКВА. 18.00 —ТОШКЕНТ. 18.05 — Қўғирчоқ фильм. 18.20 — Ўсмирлар учун кўрсатув. 19.15 — **Мардлик — мангулик.** 19.35 — **«Ахборот».** 19.50 — **«9-студия»** (Москва). 20.50 — Ўн минут музика. 21.00 — **«Ахборот».** 21.20 — Концерт. 22.00 — **«Вақт».** 22.30 — **Ташвиш** (спектакль). **ИККИНЧИ ПРОГРАММА.** 17.00 —ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатуви. 18.00— МОСКВА. 19.00 — Янгиликлар. 19.15 — Киножурнал. 19.25 — Жаҳон халқлари ижоди. 19.50 — ТОШКЕНТ. **Самад Вурғун** (адабий кўрсатув). 20.35 — Телефильм. 20.50 — Телефильм. 22.00 — Ҳужжатли фильмлар. 22.30 — МОСКВА. **УЧИНЧИ ПРОГРАММА.** 18.55 — ТОШКЕНТ. 19.00 —Ўқув кўрсатуви. 20.00 — Тошкент янгиликлари. 20.15 — **Бир полк музикачилари** (бадиий фильм).

24 МАРТ, ЧОРШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 10.00 — МОСКВА. 17.25 —ТОШКЕНТ. 17.30 — Ўқув кўрсатуви. 18.30 — «Қизил галстук». 19.00 — Миллионлар ленинча университети. 19.15 — **«Ахборот».** 19.30 — Партия планлари — халқ планлари. 20.00 — **Қизлар давраси.** 21.00 — **«Ахборот».** 21.20 — Композиторлар — студиямиз меҳмони. 22.00 — МОСКВА. **«Вақт».** 22.30 — **Футбол:** БОЛГАРИЯ — СССР. **ИККИНЧИ ПРОГРАММА.** 17.25 — МОСКВА. 17.55 — **Буратинонинг саргузаштлари** (бадиий фильмнинг 1-серияси). 19.00— Янгиликлар. 19.15 — Расмларда, қўғиш акси бор. 19.30 — Саволларга жаваблар. 20.00 — Концерт. 20.30 — Телефильм. 22.00 — Биз — 70-йиллар комсомоллари. 22.30 — **Ковпак ҳақида ўйлар** (бадиий фильм). **УЧИНЧИ ПРОГРАММА.** 18.55 — ТОШКЕНТ. 19.00 — Ўқитувчи экрани. 19.30 — КПСС XXV съезди қарорлари — ҳаётга! 20.00 — Тошкент янгиликлари. 20.15 — **Кўҳна девор** (бадиий фильм). 21.50 — Ўқув кўрсатуви.

25 МАРТ, ПАЙШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 10.00 —МОСКВА. 17.45 — ТОШКЕНТ. 17.50 — Ўқув кўрсатуви. 18.50 — Мен — Совет Иттифоқи гражданиман. 19.15 — Миллионлар ленинча университети. 19.45 — **«Ахборот».** 20.00 — Концерт. 20.30 — **Дўстлик экрани.** 21.30 — **«Ахборот».** 21.50 — Шеърият мухлисларига. 22.00 — МОСКВА. **«Вақт».** 22.30 **Хоккей:** ШВЕЦИЯ — СССР. **ИККИНЧИ ПРОГРАММА.** 11.25 — ТОШКЕНТ. 11.30 — Қўғирчоқ фильм. 11.45 — Педнатр маслаҳати. 12.00 — Республика болалар санъати байрамининг очилиши. 17.45 — МОСКВА. **Буратинонинг саргузаштлари** (2-серия). 19.00 — Янгиликлар. 19.15 — Дугоналар (Тошкент). 19.45 — Фильм-концерт. 20.45 — Телефильм. 22.00 — Ҳужжатли кино экрани. 22.30 — Ўзбекистон композиторлари VII съезданинг очилиши. **УЧИНЧИ ПРОГРАММА.** 18.55 — ТОШКЕНТ. 19.00— Телефильм. 19.10 — Киноҳаваскорлар фильмлари. 20.00 — Тошкент янгиликлари. 20.15 — **Енаётган араба йўли** (бадиий фильм).

26 МАРТ, ЖУМА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 10.00 — МОСКВА. 19.00 —ТОШКЕНТ. 19.05 — Мультфильм. 19.15— **«Ахборот».** 19.30 — Физкультура ва спорт оммага. 20.10 — Театр ва замон. 21.00 — **«Ахборот».** 21.20 — Концерт. 22.00 — **«Вақт».** 22.30 — Кўклам чорлайди. 22.55 — **Нур ва соялар** (бадиий фильм). 00.05 — МОСКВА. **Хоккей:** ШВЕЦИЯ — СССР. **ИККИНЧИ ПРОГРАММА.** 11.25 — ТОШКЕНТ. 11.30 —Қўғирчоқ спектакль. 12.10 — **Кичик қиноялар** (бадиий фильм). 17.30 — Ўқув кўрсатуви. 18.30 — Коммунистлардан ўрнак олт. 19.00 — МОСКВА. 19.15 — Мультфильм. 19.25 — Телефильм. 20.25 — **Қизлар** (бадиий фильм). 22.00 — Саноат, савдо, харидор (Тошкент). 22.30 — Кинопанорама. **УЧИНЧИ ПРОГРАММА.** 18.55 — ТОШКЕНТ. 19.00 — Шифокор экрани. 19.30 — Концерт. 20.00 — Тошкент янгиликлари. 20.15 — **Рўёбга чиққан орзу** (бадиий фильм).

27 МАРТ, ШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 10.00 — МОСКВА. 17.40 —ТОШКЕНТ. 17.45 — «До-ре-ми-фа-соль». 18.20 — Қўғирчоқ фильм. 18.40 — **«Ахборот».** 18.55 — Социалистик мусобақа. 19.15 — МОСКВА. 19.30 — ТОШКЕНТ. Қўзилатиш кампанияси — чорвадорлар учун масъулиятли давр. 19.50 — Концерт. 20.30— **«Ахборот».** 20.50 — МОСКВА. 22.00 — **«Вақт».** 22.30 — Концерт. **ИККИНЧИ ПРОГРАММА.** 10.05 — ТОШКЕНТ. 10.10 — Янгиликлар. 10.20 — Кинофильмлар. 10.50 — **Телеминиатюралар.** 11.30 — Телеспектакль. 12.20 — **Аловиддининг сеҳрли чироғи** (бадиий фильм). 13.40 — Концерт. 14.10 Ўқув кўрсатуви. 14.40 — Актёрлар ва роллар. В. Цветков. 17.40 — МОСКВА. 18.00 — **Мўъжизасиз мўъжизалар.** 19.00 — Янгиликлар. 19.15 — Ўзбекистон ССР Алоқа министрлиги республика магистрал алоқалар ва телевидение шохобчалари бошлиғининг ўринбосари Т. Г. Раҳимов сўзи. 19.30 — Халқаро театр куни. 20.50 — Улуғ бунёдкорлик даври (телефильм). 22.00 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатуви. 22.30 — **Оталар сўзи — ақлнинг кўзи. УЧИНЧИ ПРОГРАММА.** 17.40 — ДУШАНБА.

28 МАРТ, ЯКШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 10.00 — МОСКВА. 17.30 —ТОШКЕНТ. 17.35 — «Янгра, барабан». 18.00 — **Киносаёҳатчилар клуби** (Москва). 19.00 — Теле очерк. 19.15 — **«Ахборот».** 19.30 — Халқ контроли экрани. 20.00 — **Тамарахоним** (икодий портрет). 21.00 — **«Ахборот».** 21.20 — **Телеминиатюралар.** 22.00 — МОСКВА. **«Вақт».** 22.30 — Бокс бўйича СССР чемпионати. **ИККИНЧИ ПРОГРАММА.** 10.05 — ТОШКЕНТ. 10.10 — Янгиликлар. 10.10 — Мультфильм. 10.30 — Шоирлар болаларга. Зафар Диёр. 11.00 — Телеспектакль. 11.50 — **Оталар сўзи — ақлнинг кўзи.** 12.50 — Ешлар икоди. 13.20 — Наврўз байрами. 15.00 — Ота-оналар учун консультация. 17.30 — Мультфильмлар. 18.00 — «Замондаш». 18.45 — Телефильм. 19.00 — МОСКВА. 19.15 — **Ромео ва Жульетта** (балет). 22.00 —ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатуви. 22.45— **Шоҳ Эдип.** (фильм-спектакль). **УЧИНЧИ ПРОГРАММА.** 17.00— ФРУНЗЕ.

БУГУНГИ ТОШКЕНТ. Суратда: Октябрь районининг Бируний кўчасида қурилган янги кўп қаватли уй-жой бинолари. И. Глауберзон фотоси.

НУРНИ ҚАЙТАРУВЧИ ПЛЕНКА

ФАН ВА ТЕХНИКА ЯНГИЛИКЛАРИ

Мамлакатимиздаги химия заводларидан бирида нурни қайтарувчи плёнка ишлаб чиқарила бошланди. Бу плёнкадан йўл белгилари ясашда фойдаланиш катта самара беради. Уни оқ, кўк, қизил, сариқ, зангори ва бошқа рангларга бўяш мумкин. Нурни қайтарувчи плёнка ёмғир, қор, қуёш нури ва бошқа нарсалар таъсирига чидамли бўлиб, икки йилгача хизмат қила олади. Плёнка автомашиналар фарасидан тушаётган нурни 300 метрча масофадан қайтариб, айниқса, тунда ҳайдовчилар учун эҳтиётнорлик белгиси бўлиб хизмат қилади.

МИКРОБГА ҚАРШИ ХОССАЛИ КУРПА-ТУШАКЛАР

Бутуниттифоқ нўш илмий-текшириш ва Москва тўқимачилик институтлари олимлари ҳамкорликда микробга қарши хоссага эга бўлган кўрпа-тўшаклар яратишди. Бундай кўрпа-тўшакларнинг бир қисми касалхоналарда клиник текширишлардан муваффақиятли ўтди. Микроблар-нинг бундай кўрпа-тўшакларда ўқ бўлиб кетиши амалда исботланди. Олимлар бундай кўрпа-тўшаклар касалхоналарда кенг қўлланилиши мумкин деган хулосага келдилар.

СУВ ТОЗАЛАШ УСУЛИ

СССР Фанлар академиясининг электрохимия ва Бутуниттифоқ сув геологияси илмий-текшириш институтлари ходимлари сувни тозалашнинг янги йўлини таклиф этишди. Сув радиолиз қилинганда, яъни у гамма нурлар таъсирида ўзидаги ҳар хил ҳидларни ва мазани йўқотиб, ичимлик сувга айланиши мумкинлиги тажрибада исботланди. Москва сув хавзаларида олиб борилган тажрибалар бундай усул билан тозаланган сувни бемалол истеъмол қилиш мумкинлигини кўрсатди.

«ФИАНИТЛАР»

СССР Фанлар академиясининг физика илмий-тадқиқот институти илмий ходимлари синтез қилиб яратган кристалларга фианитлар деб ном берилди. Кристаллар цирконий ёки гафнийнинг турғунлаштирилган оксидлари асосида олинган бўлиб, ранги, товланиши ва бошқа ажойиб хоссалари билан табиий қимматбаҳо тошлардан устун туради. Бундай кристаллардан фақат техника ва саноатдагина эмас, балки заргарлик ишларида ҳам фойдаланиш мумкин. «Фианитлар»га АҚШ, Англия, Франция, Чехословакия, Япония, Германия Федератив Республикаси ва Швеция каби мамлакатларнинг патентлари берилди.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР. БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000, ГСП, Тошкент ЛЕНИН проспекти № 41 * ТЕЛЕФОНЛАР Коммутатор — 330249 дан 330258 гача Эълонлар — 338142.

Р. 13101. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64583. В. — 65.